

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВА МАЪРИФАТ БАҚОЕВНА

**АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР ЖАНР, МОТИВ ВА
ОБРАЗЛАРИ СТИЛИЗАЦИЯСИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕАТИ**

Бухоро – 2021

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Ражабова Маърифат Бақоевна

Алишер Навоий ижодида фольклор жанр, мотив ва образлари

стилизицияси.....5

Раджабова Маърифат Бакаевна

Стилизация фольклорных жанров, образов и мотивов в творчестве Алишера

Навои.....33

Radjabova Marifat Bakayevna

Styling of folklore genre, motive and images in Alisher Navoi's poetry.....5

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....69

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

РАЖАБОВА МАЪРИФАТ БАҚОЕВНА

**АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ФОЛЬКЛОР ЖАНР, МОТИВ ВА
ОБРАЗЛАРИ СТИЛИЗАЦИЯСИ**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро – 2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Fil220 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг («www.buxdu.uz») ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим портали («www.ziynet.uz») манзилларига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ўраева Дармон Саидахмедовна
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Қаюмов Олим Садиридинович
филология фанлари доктори, доцент

Дилором Салоҳий
филология фанлари доктори, профессор

Юсупова Дилнавоз Раҳмоновна
филология фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865221-29-14; факс: (+99865221-29-14, email: buxdu_rektor@buxdu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, М. Иқбол кўчаси, 11-уй. Тел.: (+99865 221-29-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ кунни тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ даги _____-рақамли реестр баённомаси)

Д.З. Ражабов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.ф.д. (DSc), доцент

Г. И. Тоирова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, ф.ф.ф.д. (PhD), доцент

Ғ.Н. Муродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги семинар раиси, профессор, ф.ф.д. (DSc)

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё халқлари ёзма адабиётида фольклор жанрлари, мотив ва образларини қайта ижодий ишлаш, уларни муайян давр мафқураси ва воқеликларига мослаб стилизация қилиш орқали турли шаклий-услубий янгиланишларга эришиш барча замонларда поэтик анъана сифатида ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Агар бу эстетик жараён маълум бир мумтоз ёки замонавий ижодкор маҳорати асосида ўрганилса, у яшаган давр адабиётида фольклордан ўзлаштирилган адабий жанр, мотив ва образларни аниқлаш, халқ оғзаки ижоди билан ёзма адабиётнинг доимий тарзда ўзаро таъсир воситасида бадиий такомил топиб келганини исботлашда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон адабиётшунослигида фольклор ва ёзма адабиётнинг ўзаро таъсири туфайли юзага келган фольклоризмларнинг типлари, бадиий-эстетик хусусиятлари, поэтик вазифаларини ўрганиш устувор вазифалардан бирига айланган. Бунда дунё халқлари маънавий ҳаёти, адабий-эстетик тафаккури тараққиётида алоҳида ўрин эгаллаган ижодкорлар қўллаган фольклоризмларининг мазмун-моҳиятини, улар орқали ифодаланган эзгу ғояларнинг миллий ва умуминсоний кўлами, поэтик жиҳатларини очишга эътибор янада кучаймоқда. Жумладан, жанр мотив ва образлар стилизациясининг ижтимоий-тарихий, ҳаётий-руҳий асослари, эстетик қонуниятларини аниқлаш ҳамда бадиий манбаларини ёритишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мустақилликнинг сўнгги йилларида миллий маънавий меросимиз таркибида катта мавқега эга фольклордан ёш авлод камолоти йўлида кенг фойдаланишга айрича эътибор берилмоқда. «Бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз»¹ бўлгани боис атоқли ижодкорларнинг фольклордан ижодий фойдаланишини ўзига хос бадиий анъана сифатида ўрганиш адабиётшунослигимиздаги долзарб муаммолардан бирини ташкил қилмоқда. Алишер Навоийнинг ҳам фольклор жанр, мотив, образларидан ижодий фойдаланишдаги поэтик маҳоратини унинг диний-эътиқодий қарашлари нуқтаи назаридан янгича тафаккур асосида ўрганиш шундай долзарб вазифалардан биридир. Бу эса шоир ижодининг асрлар давомида инсоният руҳий-маънавий камолотида муҳим омил бўлишида фольклорнинг ўрнини асослаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги Ислоҳ маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон қарори.

5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 19 октябрдаги ПҚ-4865-сон «Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида», 2010 йил 26 февралдаги ПҚ-1292-сон «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида «Ижод» фондини ташкил этиш тўғрисида», 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 7 октябрдаги 222-сон «2010-2020 йилларда номоддий маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, асраш, тарғиб қилиш ва улардан фойдаланиш давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи². Жаҳондаги Оксфорд университети (Буюк Британия), Трейр (Германия), Верона университети (Италия), Индия университети, Калифорния университети (АҚШ), Сантито университети (Чили), Ласерра университети (Бразилия), Седния университети (Австралия), Москва давлат университети, Санкт-Петербург давлат университети (Россия) каби етакчи марказ ва олий таълим муассасаларида фольклор жанрлари стилизацияси, стилизацияон фольклоризмларни ўрганишга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон адабиётшунослигида жанр, мотив ва образлар қўлланилишининг у ёки бу жиҳатини ўрганиш бўйича қуйидаги илмий натижаларга эришилган:

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар <https://www.disercat.com>, <https://www.sgu.ru>, <http://dspace.kpfu.ru/xmlui/handle/net/>, http://m.dissforall.com/_catalog/t13/_s, <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/>, <http://www.prlib.ru/item/>, <https://core.ac.uk>, <http://dereksiz.org/leksiko-semanva> бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

фольклоризмлар табиати, пайдо бўлиш асослари ва турлари очиб берилган (Оксфорд университети, Буюк Британия; Финляндия Фанлар академияси); бадий-эстетик вазифалари ёритилган (Санкт-Петербург Шарқ қўлёзмалари институти, Воронеж университети, Россия); фольклоризмлардаги миллий хусусиятлар таҳлили амалга оширилган (Англия, Америка, Германия; Москва давлат университети, Санкт-Петербург Давлат университети, Россия; Қирғизистон давлат университети, Қирғизистон); фольклор жанрлари (эртак, латифа, мақоллар)нинг, айрим мотивларнинг лингвопрагматик томонлари ўрганилган (Филология, журналистика ва маданиятлараро мулоқот институти, Белград давлат миллий тадқиқот университети, Россия Фанлар академияси А.М.Горький номидаги халқаро адабиёт институти, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия Фанлар академияси Ижтимоий фанлар бўйича илмий ахборот институти, Россия); эртак ва мақолларнинг когнитив хусусиятлари ҳақидаги қарашлар баён этилган (Қозон давлат университети, Белград давлат университети, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети, Россия); эртак, дoston, латифа, мақолларнинг, баъзи образ ва мотивларнинг лингвокультурологик жиҳатларига бағишланган тадқиқот ишлари бажарилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА ҳузуридаги ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Бухоро давлат университети, Ўзбекистон).

Хориж адабиётшунослигида фольклор жанрлари, мотив ва образларининг, хусусан, мифологик мотив ва образларнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш бўйича эса қуйидаги асосий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: уларнинг генезиси, ички таснифоти, поэтик табиати, бадий-эстетик тафаккур тараққиётидаги ўрнини аниқлаш; этнофольклористик, этнолингвистик, лингвокультурологик, прагматик аспектда тадқиқ этиш; турли тизимли тиллардаги фольклор намуналарини қиёсий-типологик ўрганиш; таржима муаммоларини ечиш, ёзма адабиётда стилизациялаш қонуниятларини очиш; таълим-тарбия тизимида дидактик ва методик мақсадларда фойдаланиш усулларини белгилаб кўрсатиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида маълум бир ижодкор фольклоризми масаласи энг долзарб масалалардан бири сифатида тадқиқ этиб келинмоқда.³

Рус адабиётшунослиги ва фольклоршунослигида фольклорнинг ёзма

³ Землянова Л.М. О роли фольклора в литературной деятельности П.И.Якушкина // Русский фольклор. 19 том. – М.-Л.,1958. – С.184-202; Далгат У.Б. Фольклор в творчестве Янки Купалы. – М., 1968; Левинтон Г. Заметки о фольклоризме Блока // Миф – Фольклор – Литература. – Л.: Наука, 1978. – С.171-186; Позднякова Е.Г. Фольклоризм прозы Н.М.Карамзина: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Челябинск, 2003; Бессонова Л.П. Фольклорные традиции в творчестве А.Т.Твардовского (на примере поэмы «Страна Муравия») // Филологический вестник. – Майкоп: АГУ, 2004. № 6. – С. 108-115; Savas Yelok. Erkin Vahidov'un Şiirleri Uzerine Dil ve Uslup Calışması. – Ankara: Bengu yayinlari, 2017. – 712 s.

адабиётга таъсири масаласида ҳам кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган.⁴

Ўзбек адабиётшунослигида фольклор ва ёзма адабиёт муносабати, ўзаро таъсири масаласини буюк ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоий ижоди мисолида ўрганиш алоҳида йўналиш сифатида кўпдан ривожланиб келмоқда. Бунда А.Фитрат, А.Саъдий, О.Шарафиддинов, М.Шайхзода, М.Афзалов, Н.Маллаев каби олимларнинг изланишлари бошқа тадқиқотлар учун илмий методологик асос вазифасини ўтаб келди. Хусусан, ўтган асрнинг 70-йилларига келиб, таниқли ўзбек олими Натан Маллаев шоир ижодиётининг халқчил негизини, фольклор билан боғлиқ қирраларини, шоирнинг оғзаки адабиёт анъаналарини ёзма адабиётга сингдириш маҳоратини махсус тадқиқ этди. Бу ҳақда унинг «Навоий ижодиётининг халқчил негизи», «Асрлар эътирофи ва таъзими», «Навоий ва халқ оғзаки ижоди» (ўзбек ва рус тилларида), «Буюк ўзбек шоири» (ўзбек, қорақалпоқ ва рус тилларида) каби рисола ва монографиялари эълон қилинди.⁵ Мазкур тадқиқотларда, асосан, шоирнинг халқ томоша санъати, миф, афсона, ривоят, эртақ, латифа сингари жанрларни ҳамда айрим мифологик образларни стилизация қилиш маҳоратига эътибор қаратилган.

Шунингдек, Н.Ғанихўжаева, С.Иномхўжаев, М.Собиров, Х.Расулов, М.Мухитдинов тадқиқотлари ҳам айнан шу мавзуга дахлдорлиги билан эътиборни тортади.⁶ М.Нарзиқулова Алишер Навоий «Хамса»сидаги учинчи «Сабъаи Сайёр» достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклоризмидаги Баҳром сюжетининг талқини масаласини махсус ўрганди.⁷

Мазкур тадқиқотда улуғ шоирнинг халқ кўшиқлари, хусусан, ёр-ёр (чинга), ўлан, йиғи ва йўқловлар (марсиялар), достон, олқиш, қарғиш, мақол, топишмоқ (луғз, муаммо) сингари жанрлар, халқ удум ва ирим-сиримлари асосида яратилган стилизация, аналитик, синтезлашган, этнографик фольклоризмлари, мотив ва образларни стилизация қилиш маҳорати,

⁴ Азадовский М.К. Статьи о литературе и фольклоре. – М.-Л.: Гослитиздат, 1960. – 547 с.; Агрба В.Б. Абхазская поэзия и устное народное творчество. – Тбилиси: Мецниереба, 1971. – 158 с.; Азбелов С.Н. О специфике творческого процесса в фольклоре и литературе // Русский фольклор. Том XIX. – Л., 1979. – С.157-167; Далгат У. Литература и фольклор. – М.: Наука, 1981. – 303 с.; Райхл Карл. Тюркский эпос: традиции, формы, поэтическая структура. – М.: Востлитра, 2008. – 380 с.

⁵ Маллаев Н.М. Навоий ижодиётининг халқчил негизи. Мактаб ўқитувчилари ва олий ўқув юртлари филология факультетлари студентларига қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – 114 б.; Маллаев Н. Асрлар эътирофи ва таъзими. – Т.: Фан, 1978. – 64 б.; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 432 б.

⁶ Ганиходжаева Н. Алишер Навои – новеллист (По материалам «Хамсы»): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т.: 1967; Инамходжаев С. Алишер Навои и исполнительское искусство художественного слова: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Баку, 1970; Собиров М. К вопросу использования Алишером Навои фольклора (По материалам «Хамса»): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Самарқанд, 1971; Расулов Х. Пути развития эпического жанра – дастана и проблема народности в узбекской литературе: Автореф. дисс... докт. филол. наук. – Т.: 1972; Мухитдинов М. Произведения цикла «Баҳром и Дилором» и «Баҳром и Гуландом» в узбекской литературе (Эволюция сюжета БаҳромГура): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т.: 1972.

⁷ Нарзиқулова М. Сабъаи Сайёр достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклоризмидаги Баҳром сюжетининг талқини: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2006.

уларнинг мазмун-моҳияти, бадиий-эстетик вазифалари каби масалалар тадқиқ қилинди.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Филология фанларининг долзарб муаммолари» мавзусидаги илмий-тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Алишер Навоийнинг ўз ижтимоий, тасаввуфий қарашларини фольклорнинг анъанавий жанр, мотив, образларини стилизация қилиш орқали бадиий ифодалашдаги маҳорати, шаклий-услубий янгилианишларнинг омиллари, фольклоризм типларини таснифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

фольклор буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий ижодиётининг ғоявий-бадиий такомилда, халқчиллигини таъминланишида асосий манбалардан бири эканлигини далиллаш;

Алишер Навоий ижодида фольклорнинг миф, афсона, ривоят, эртак, нақл, достон, латифа сингари эпик жанрлари, мифологик ҳамда диний-афсонавий мотив ва образлар воситасида яратилган фольклоризмларнинг табиати ва бадиий вазифаларини аниқлаш;

улуғ шоирнинг халқ лирик ва маросим кўшиқлари, йиғи-йўқловларга илмий, бадиий муносабатини ёритиш ҳамда марсия, навҳалар яратишда мотам маросими кўшиқларидан таъсирланганини асослаш;

шоир ижодида фольклорнинг мақол, топишмоқ жанрлари асосида яратилган афоризм, луғз, муаммоларига хос шаклий-услубий белгиларни, олқиш, қарғиш каби кичик кўринишли жанрлар иштирокида ҳосил қилинган аналитик фольклоризмлар моҳиятини очиш;

фольклордан ижодий таъсирланиб ўзбек мумтоз адабиётининг анъанавий жанр, мотив ва образларини шаклий-услубий янгилашда Алишер Навоий маҳоратини кўрсатиш;

Алишер Навоийнинг ижтимоий, диний-тасаввуфий ғояларни ифодалашда афсона, ривоят синтези, фольклорнинг анъанавий мотив ва образлари мазмунидан фойдаланишдаги санъаткорлигини далиллаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Алишер Навоийнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг «Фан» нашриёти томонидан чоп этилган йигирма жилдлик «Мукамал асарлар тўплами» танланди.

Тадқиқотнинг предметини Алишер Навоийнинг миф, афсона, ривоят, нақл, эртак, достон, латифа, кўшиқ, йиғи-йўқлов, мақол, топишмоқ, олқиш, қарғиш сингари фольклорга хос жанрлар, анъанавий мотив ва образлар стилизацияси билан боғлиқ поэтик хусусиятлар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида структурал, компонент, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, этнофольклористик ҳамда биографик каби таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий ижодининг мифология ва халқ поэтик анъаналарига ижодий ва янгича муносабати, фалсафий, илоҳий-ирфоний мазмундаги агиографик афсона ва ривоятларни ўзида бадиий синтезлаштиргани, халқ тарихи, санъати, этнографияси тасвири асосида этнографик, оғзаки ижод, жанр, мотив, образлари замирида стилизациян фольклоризмларни вужудга келтиргани аниқланган;

шоир ижодида ўзбек фольклорининг миф, афсона, ривоят, эртак, достон, латифа сингари эпик, лирик ва маросим кўшиқлари, йиғи-йўқловлар ҳамда паремик характердаги мақол, топишмоқлар, шунингдек, олқиш, қарғиш каби сўз сеҳрига ишончни ифодаловчи кичик жанрлар стилизациясига хос шаклий ва мазмуний хусусиятлари далилланган;

Алишер Навоий ижодида халқ томоша санъати, маданияти, маросим ва урф-одатлари тасвири асосида вужудга келган этнографик фольклоризмларнинг диний, мифологик, реал турмуш билан боғлиқ тарихий-ижтимоий илдизлари, ҳаётий уйдурмага асосланган бадиий мазмуни таҳлиллар асосида аниқланган;

Алишер Навоийнинг халқ достонлари, мотам маросими кўшиқлари, топишмоқ, олқишлар асосида яратган достон, марсия, марсия-ғазал, марсия-таркиббанд, луғз (чистон), муаммо, муножот, рубоий-олқиш, таърих-олқиш сингари жанрлар билан ўзбек мумтоз адабиётининг жанрлар таркибини бойитгани исботланган;

мифологик жанг, телбалик, фарзандсизлик, туш, сеҳрли рақамларга алоқадор фольклор мотивлари, аждар, дев, пари, Семурғ каби асотирий, фаришта, шайтон, жин, Хизр сингари диний-афсонавий, Наврўз, деҳқон, арус (келин), лўли, бозор, ит, тириклик суви каби образларидан тасаввуфий, илоҳий-ирфоний қарашларни ифодалашдаги шоир маҳорати асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

ўзбек адабиётшунослигида оғзаки ва ёзма ижод жанрларини фарқлаш, уларнинг бир-бирига бадиий таъсири илмий асосланган;

бадиий ижодда жанр, мотив ва образлар шаклланиш жараёнига дахлдор интрапоэтик, экстрапоэтик омилларни ёритиш орқали чиқарилган хулосалар ўзбек адабиётида жанрлар, мотив ҳамда образлар типологияси, спецификаси, динамикасига оид назарий ва амалий масалалар очиб берилган;

Алишер Навоий фольклоризмлари стилизациян, аналитик, синтезлашган, этнографик кўринишларда таснифлангани, уларнинг бадиий матнда миллий колоритни ифодалашдаги услубий вазибалари, шоир тажрибаларининг кейинги давр ижодкорларига таъсири аниқлангани ўзбек

мумтоз адабиётидаги фольклоризмлар типологияси ҳақидаги тушунча-тасаввурларни бойитиши аниқланган;

буюк сўз устаси Алишер Навоий ижодиётининг ғоявий-бадий такомилида фольклор жанрлари, мотив ва образларининг асос вазифасини бажарганлиги ҳақидаги илмий-назарий маълумотлар ўзбек фольклори, адабиёт назарияси, мумтоз адабиёт тарихи, навоийшунослик бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг мукаммаллашувида амалий аҳамиятга эга эканлиги асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги Алишер Навоийнинг фольклор жанр, мотив, образларидан ижодий фойдаланиб, шаклий-услубий янгиланишларга эришгани, миллий адабиётимизни ғоявий-бадий жиҳатдан юксалтиргани бой далилий материалларга таянган ҳолда чуқур тадқиқ этилганлиги, келтирилган таҳлиллар структурал, компонент, тарихий-қиёсий, қиёсий-типологик, этнофольклористик ҳамда биографик методлар воситасида асосланганлиги, тадқиқот хулосалари ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Алишер Навоий ижодиётининг ғоявий-бадий такомилида фольклорнинг ўрни ва таъсирини, унинг фольклор жанр, мотив, образларига илмий ҳамда бадий муносабатини, поэтик стилизация қилиш маҳоратини, ўзбек мумтоз адабиёти билан халқ оғзаки ижодининг алоқадорликдаги ривожланиш хусусиятларини аниқлашда назарий манба вазифасини бажариши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти «Халқ оғзаки ижоди», «Навоийшунослик», «Ўзбек адабиёти тарихи» фанларидан дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, маъруза ва семинар машғулоти мазмунини такомиллаштириш, факультатив дарслар ва махсус курслар ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алишер Навоий ижодида фольклор жанр, мотив ва образлари стилизацияси масаласини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда жорийланган:

Алишер Навоий ижодининг мифология ва халқ поэтик анъаналарига муносабати, фалсафий, илоҳий-ирфоний мазмундаги агиографик афсона ва ривоятларни ўзида бадий синтезлаштиргани юзасидан чиқарилган илмий хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилган Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 рақамли «Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш» (2012-2016 йй.) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

Қарақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 19 февралдаги 24/01-сонли маълумотномаси). Натижада оғзаки ижод жанр, мотив, образлари замирида стилизациян фольклоризмлар вужудга келиши аниқланган;

шоир ижодида ўзбек фольклорининг миф, афсона, ривоят, эртак, достон, латифа сингари эпик, лирик ва маросим кўшиқлари, йиғи-йўқловлар ҳамда паремик характердаги мақол, топишмоқлар, шунингдек, олқиш, қарғиш каби сўз сеҳрига ишончни ифодаловчи кичик жанрлар стилизациясига доир назарий хулосалардан ФА-Ф1-ОО5 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослигини тадқиқ этиш» (2017–2020 йй.) мавзусидаги фундаментал илмий лойиҳаларда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қарақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 19 февралдаги 24/01-сонли маълумотномаси). Натижада фольклор ва ёзма адабиёт жанрларининг назарий масалаларига оид таҳлилий маълумотлар такомиллаштирилган;

Алишер Навоийнинг ижтимоий, диний-тасаввуфий ғояларни ифодалашда афсона, ривоят, фольклорнинг анъанавий мотив ва образлари мазмунидан фойдаланишдаги маҳоратига доир илмий хулосалари 2018-2019 ўқув йили давомида Озарбайжон Республикаси Миллий илмлар академияси ва Баку давлат университетида амалиётга тадбиқ этилган (Озарбайжон-Туркманистон-Ўзбекистон адабий алоқалар бўлимининг 2021 йил 13 февралдаги 82-сон маълумотномаси). Натижада туркийзабон халқлар тасаввуф адабиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган тасаввуфий ғояларнинг фольклор анъаналари воситасида ифода этилиши бўйича талабаларда янги тушунча ва кўникмаларни шакллантиришга, адабиёт таълими мазмунини чуқурлаштиришга, Озарбайжон Республикаси Баку давлат Миллий илмлар академиянинг «Озарбайжон – Туркманистон – Ўзбекистон адабий алоқалар» бўлимида ташкил этилган «Ўзбек адабиёти тарихи» ва «Шарқ халқлари тасаввуф адабиёти» курси юзасидан дарслар, семинарлар ташкил этишга, соҳага оид ўқув қўлланмалар ва услубий кўрсатмалар яратиш режасини лойиҳалашга ёрдам берган;

фольклор буюк ўзбек мутафаккири Алишер Навоий ижодиётининг ғоявий-бадий такомилда, халқчиллиги таъминланишида асосий манбалардан бири эканлиги борасидаги илмий-назарий хулосалардан Ўзбекистон мусулмонлари идораси ҳузуридаги Мир Араб олий мадрасасида «Тасаввуф», «Тасаввуф атамалари» сингари дарсларни ўқитишда, миллатимиз ифтихори саналган Мир Алишер Навоий таваллуди муносабати билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда тадқиқот натижаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги Мир Араб олий мадрасасининг 2021 йил 17 июлдаги 82-сон далолатномаси). Натижада фаришта, шайтон, жин, Хизр сингари диний-афсонавий образлардан тасаввуфий, илоҳий-ирфоний қарашларни бадий ифодалашдаги

поэтик маҳоратига оид назарий хулосалар чиқариш имконини юзага келтирган;

Алишер Навоийнинг халқ оғзаки ижодига хос жанр, образ ва мотивлардан ижодий фойдаланиб, мумтоз адабиётда дoston, чистон (луғз), муаммо, таърих, марсия сингари катор жанрлар, турли мифологик ва афсонавий образ, мотивлар асосида ўз даври воқеликларини, ирфоний тушунчаларни ифодалашда санъаткорлик кўрсатгани, инсонни маънавий камолотга етакловчи қарашларни халқ услубида бадиий ифодалашга эришгани ҳақидаги илмий хулосалардан «Бухоро» телеканалининг «Долзарб мавзу», «Интервью плюс», «Ассалом, Бухоро», «Саккизинчи мўъжиза» кўрсатувларида фойдаланилган (Бухоро вилоят миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йилнинг 16 мартдаги 1/78-сон маълумотномаси). Натижада мазкур ишнинг илмий натижалари воситасида ушбу телекўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашуви, илмий-оммабоплиги, телетомошабинларнинг бадиий адабиётда комил инсонни камолотга етакловчи ғоялар, нафси енгитиш, покликка интилиш билан боғлиқ ахлоқий тушунча-қарашлари, билими кенгайтиши, китобхонликка қизиқиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 24 та, жумладан, 11 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида қилинган маърузаларда жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация натижалари бўйича 37 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижалари чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 12 та (9 та республика, 3 та хориж), шулардан, 2 та илмий мақола халқаро журнал ва 1 та Web of science базасидаги журналда чоп этирилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 284 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги, зарурати, ўрганилганлик даражаси, мақсад ва вазифалари, тадқиқ усуллари, объекти, предмети, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши, ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Алишер Навоий ижодиётининг ғоявий-бадиий такомилда фольклорнинг ўрни ва роли**» деб аталган

бўлиб, «Навоий ва фольклор баҳсининг илмий йўналишлари ҳамда тараққиёт босқичлари», «Алишер Навоий – ўзбек фольклорининг билимдони» каби фасллардан таркиб топган.

Атоқли адабиётшунос Н.Маллаев таъкидлаганидек: «Ўзбек мумтоз адабиёти ва фольклор баҳсининг кўп масалалари улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий ижодида мужассамланади».⁸ Шу муносабат билан олим Алишер Навоий ижодининг Шарқ халқлари оғзаки ижодидаги миф, афсона, эртак, дostonлар билан боғлиқлиги ҳақида тадқиқот яратиб, ўзбек адабиётшунослигида мумтоз адабиёт ва халқ оғзаки ижоди йўналишига асос солган. Аммо Н.Маллаевнинг «Навоий ва халқ оғзаки ижодиёти» тадқиқоти 1978 йилда, ўтган асрда шўролар тузуми ҳукмронлиги пайтида яратилгани боис унда шоир асарларидаги илоҳий-ирфоний, тасаввуфий ғояларнинг фольклордаги анъанавий образ, поэтик тимсоллар асосида берилиши билан боғлиқ ҳолатлар деярли ёритилмаган.

Н. Маллаев «Алишер Навоий ва халқ ижодиёти баҳси навоийшуносликнинг катта ва муҳим баҳси» эканлигини алоҳида эътироф этиб, унинг илмий йўналишларини қуйидагилардан иборат деб ҳисоблайди: 1. Алишер Навоийнинг шоир ва мутафаккир сифатида шаклланишида халқ ижодиётининг роли. 2. Алишер Навоийнинг фольклордан ижодий фойдаланиши. 3. Алишер Навоий ижодининг халқ ижодиётига таъсири. 4. Халқ ижодиётида Навоий образи. Бизнингча, ҳозирги даврда Навоий ижоди бошқа фанлар кесимида ҳам ўрганилаётгани туфайли Навоий ва фольклор баҳсининг илмий йўналишлари янада кенгайдик, шуни ҳисобга олиб, уларни қуйидагича таснифлаб кўрсатиш мумкин: 1. Алишер Навоий ижоди ва бадиий тафаккурининг шаклланишида фольклорнинг ўрни ва таъсири. 2. Алишер Навоий фольклоризмлари. 3. Алишер Навоий ижоди ва мифология. 4. Алишер Навоий ижодида фалсафий, илоҳий-ирфоний мазмундаги агиографик афсона ва ривоятлар бадиий синтези. 5. Алишер Навоий ижодида халқ тарихи, санъати ва этнографияси тасвири. 6. Алишер Навоий ижодида халқ тили имкониятларининг намоён бўлиши, уларнинг лексикологияси ва лексикографияси. 7. Алишер Навоий ижодиёти ва халқ педагогикаси. 8. Алишер Навоий асарларининг халқ ижодиётига таъсири. 9. Халқ ижодиётида Навоий образи. 10. Навоий ижоди ва фольклор муносабатини ўқувчиларга ўргатиш методикаси.

Навоий ва фольклор баҳси бўйича навоийшуносликнинг даврий тараққиёт босқичларини қуйидагича таснифлаб кўрсатиш мумкин: XIX асрнинг охири ва XX аср бошлари навоийшунослиги. XX асрнинг 30-йиллари охири навоийшунослиги. XX асрнинг 40-йиллари навоийшунослиги. XX асрнинг 50–60 йиллари навоийшунослиги. XX асрнинг 70–80 йиллари навоийшунослиги. XX асрнинг 90-йиллари ва истиқлол даври

⁸ Маллаев Н. Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – Б.18.

навоийшунослиги. Навоий ва фольклор баҳси бўйича навоийшуносликнинг даврий тараққиёт босқичларини бундай таснифлаш асосида, биринчидан, навоийшунослик тарихи ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилинса, иккинчидан, унинг йиллар давомида тараққий топиб, назарий асослари мустаҳкамланиб борганлиги аёнлашади.

XIX асрнинг охири ва XX аср бошлари навоийшунослигига эътибор қилинса, унинг кўпроқ фольклоршунослик билан боғлиқликда кечганлиги сезилади. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти баҳси XX аср 30-йилларининг охиридан бошлаб илмий тус ола бошлаган ва навоийшуносликнинг муҳим бир йўналиши сифатида тараққиёт йўлига тушган. 40-йилларга келиб, Алишер Навоий ва халқ ижодиёти баҳси фақат умумий масалалар билан чекланиб қолмасдан, аста-секин айрим илмий масалаларга ҳам диққат қаратилди. Масалан, М.Шайхзода Навоий ижодидаги фольклор мотивларига илк бор алоҳида эътибор қаратди.⁹ Фольклоршунос М.Афзаловнинг «Фарҳод ва Ширин»нинг халқ варианты» мазусидаги диссертацияси (1948) эса Алишер Навоий ва халқ ижодиёти баҳсини адабиётшунослик ҳамда фольклоршунослик кесимида давом эттириш учун йўл очгани билан аҳамият касб этди.

50–60 йиллар навоийшунослигида Алишер Навоий ва фольклор баҳси йўналишидаги илмий ва илмий-оммабоп ишларнинг салмоғи янада ортди. Бу йилларда Алишер Навоий ижодига фольклорнинг таъсири¹⁰, фольклор жанрларидан фойдаланиш муаммосига оид мақола, китоб ва илмий тадқиқотлар пайдо бўлди.¹¹ Навоийнинг мақол руҳига монанд шаклда яратилган ҳикматли сўзларини тўплаш, нашр этиш ва ўрганиш ишлари кучайтирилди.¹² Шунингдек, халқнинг Навоий ҳақида яратган асарларини¹³

⁹ Шайхзода М. Навоий ижодидаги фольклор мотивлари // «Қизил Ўзбекистон». 1941. – 9 май.

¹⁰ Абдуллаева Ш. Халқ оғзаки ижодиётининг ёзма адабиётга таъсири масаласига доир. – Низомий номли Тошкент ДПИ Илмий асарлари, 36-том. – Т.:1962. – Б.137-141; Алавия М. Алишер Навоий ва фольклор. – «Саодат». – 1966. – 8-сон. – Б.26-27; Алавия М. Навоий ғазалларида халқ таъбирлари. – «Шарқ юлдузи». – 1968. – 9-сон. – Б.203-208; Асқаров С., Жўраев Ё. Алишер Навоий ва фольклор. – «Тошкент ҳақиқати» газетаси. – 1968 йил 5 сентябрь; Собиров О. Халқ ижодидан илҳомланиб, – «Ўзбекистон маданияти» газетаси. – 1968 йил 4 июнь; Холматов У. Бахрамандлик. – «Ўзбекистон маданияти» газетаси. – 1968 йил 9 февраль.

¹¹ Ҳайитметов А. Алишер Навоий ва фантастика. – «Фан ва турмуш». – 1966. – № 9. – Б.8-11; Сбитнева А. Алишер Навоий и фантастика. – «Комсомолец Ўзбекистана». – 24 марта 1966 г.; Мақов В. Афоризми Алишера Навои. – «Звезда Востока». – 1967. – № 12. – С.194-196; Ганиходжаева Н. Алишер Навоий – новеллист (По материалом «Хамсы»): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т.: 1967; Ганихўжаева Н. Навоий ҳикоятларининг асосий манбалари ҳақида. – «Ўзбек тили ва адабиёти». – 1967. – 4-сон. – Б. 20-23; Ашуров Т. «Сабъаи сайёр» дostonида эртак мотивлари. – «Тошкент ҳақиқати» газетаси. – 1968 йил 25 июнь; Собиров М. Халқ ҳикоятлари Навоий ижодида. – Т.: 1968; Қодиров М. Алишер Навоий ва санъат. – Т.: 1968.

¹² Навоий. Ҳикматли сўзлар (ўзбек, рус, форс, араб, инглиз, немис, франкуз, испан ва япон тилларида. Нашрга тайёрловчи ва масъул муҳаррир Ҳ.Сулаймонов. – Т.: ЎзССР «Фан» нашриёти, 1958; Навоий. Афоризмлар. Тузувчи Ю.Эшонқулов. – Т.: «Ўрта ва олий мактаб» нашриёти, 1961; Алишер Навоий. Ҳикматлар. Тўловчи ва сўзбоши муаллифи Солиҳ Муталлибов. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти, 1968); Шомаксудов Ш., Шораҳмедов Ш. Навоий ва мақол. – «Тошкент ҳақиқати» газетаси. – 1968 йил 3 август.

ҳамда Навоий дostonларининг халқ вариантларини¹⁴ ёзиб олиш, чоп этиш, тадқиқ этиш ишлари жонлантирилди.

70–80 йиллар навоийшунослигида Алишер Навоий ва фольклор баҳси илмий жиҳатдан янада юқори босқичга кўтарилди бошлади. Энг муҳими, бу борада диссертациялар салмоғи ортди.¹⁵ Навоий «Фарҳод ва Ширин»нинг қиёсий таҳлили (1971) амалга оширилди. Алишер Навоий лирикасининг етакчи жанри бўлган ғазалга халқ ижодининг таъсири ҳамда Навоий лирикасида халқ афоризмларининг ўрни ва аҳамияти ўрганилди.¹⁶ Халқ оғзаки ижодида Навоий ҳақида яратилган асарларни тўплаш ва тадқиқ этиш ишлари халқаро миқёс касб этди.¹⁷

XX асрнинг 90-йиллари ва истиқлол даври навоийшунослиги. Бу даврда Навоий ижодининг генетик илдизларига, хусусан, тасаввуфий асосларига катта эътибор қаратила бошланди.¹⁸ Мазкур босқичда Навоий ва фольклор баҳси янгича тафаккур асосида янада кенгайиб борди. Қатор тадқиқотчилар томонидан янгича мазмундаги илмий изланишлар олиб борилди.¹⁹ Илк бор Алишер Навоий «Хамса»сида қайта ишланган фольклор материалларига нисбатан «фольклоризм» термини қўлланди.²⁰ Навоийнинг

¹³ Муродов М. Афсоналарда шоир сиймоси. – Ўзбек тили ва адабиёти. 1967. – №4. – Б.24-28; Доно Алишер (Алишер Навоий ҳақида халқ афсоналари). Тузувчилар: М. Муродов, З. Хусайнова, Т. Мирзаев. – Т., 1968.

¹⁴ Баҳром ва Гуландом (дoston). Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Нашрга тайёрловчи М. Муродов. – Т., 1964; Фарҳод ва Ширин (дoston). Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Ёзиб олувчи Буюк Каримов. Нашрга тайёрловчи М.И. Афзалов. – Т., 1966; Лайли ва Мажнун (дoston). Айтувчи Фозил Йўлдош ўғли. Ёзиб олувчи ва нашрга тайёрловчи М. Афзалов. – Т., 1968.

¹⁵ Инамходжаев С. Алишер Навои и исполнительское искусство художественного слова: Афтореф. дисс. канд. филол. наук. – Баку, 1970; Сабиров М. К вопросу использования Алишером Навои фольклора (По материалам «Хамса»): Афтореф. дисс. канд. филол. наук. – Самарқанд, 1971; Мухитдинов М. Произведения цикла «Баҳром и Дилором» и «Баҳром и Гуландом» в узбекской литературе (Эволюция сюжета Баҳром Гура): Афтореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 1972.

¹⁶ Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. – Т.: Фан, 1975.

¹⁷ Боржанова К. Навоий ҳақида туркман дostonи. – Ўзбек тили ва адабиёти. – 1971. – 2-сон. – Б.66-68; Горбаткина Г.А. Турецкий дастан об Алишере Навои. – Сб. «Литература и время». – 1973. – С.108-121.

¹⁸ Ҳасанов С.Р. Алишер Навоийнинг «Саъбаи Сайёр» дostonининг генетик-типологик тадқиқи: Филол. фан. д-ри... дисс.автореф. – Т.: 1990. – 56 б.; Мухитдинов М. Алишер Навоий ва унинг салафлари ижодида инсон концепцияси («Хамса»ларнинг биринчи дostonлари асосида): Филол.фан. док-ри... дисс. – Самарқанд, 1995. – 288 б.; Абдукодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича): Филол. фан. д-ри дисс. – Т., 1993. – 279 б.; Хўжаев Т.Р. XV аср биринчи ярми ўзбек адабиёти ва фольклор. Филол. фанлари номзоди... дисс. – Т., 1996. – 131 б.

¹⁹ Муллаҳўжаева К. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2005. – Б. 26; Мамадалиева З.У. «Лисон ут-тайр» дostonидаги рамзий образлар тизими: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Т., 2011. – 44 б.; Давлатов О. Алишер Навоий шеърлятида Қуръон оятлари ва ҳадисларининг бадий талқини: Филол. фанлари бўйича фалсафа докт.(PhD) дисс... автореф. – Самарқанд, 2017. – 45 б.; Жўрақулов У.Ҳ. Алишер Навоий «Хамса»сида хронотоп поэтикаси: Филология фанлари доктори (DSc) ...дисс. автореф. – Т., 2017. – 75 б.; Ғаффорова З. Алишер Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг ғоявий-бадий талқини: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)...дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 45 б.; Қобилов У. Ўзбек адабиётида нубувват мотиви ва образлари талқини: Филология фанлари доктори (DSc) ...дисс. – Самарқанд, 2019. – 75 б.; Эшонқулов Ҳ.П. Алишер Навоий ғазалиётида ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили («Хазойин ул-маоний» мисолида): Филология фанлари доктори (DSc) ...дисс. – Самарқанд, 2020. – 270 б.

²⁰ Нарзиқулова М. «Саъбаи Сайёр» дostonида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорига Баҳром сюжетининг талқини: Филол. фан. номз... дисс. – Т., 2006. – 151 б.

тушлардан фойдаланиш маҳорати фольклор ва ёзма адабиёт муносабати кесимида ўрганилди.²¹ Ўзбек мумтоз адабиётида соқий образи ва соқийнома жанри, муршид ва мурид образларининг фольклорий асослари очиб берилди.²² Бу йилларда Навоий образининг халқ ривоятларидаги талқини, Навоий ва халқ тили, Навоий ижоди ва мифология бўйича баҳслар янада жиддийроқ давом эттирилди.²³

Алишер Навоий ўз замонасидаги халқ ижодиётига хос тушунчаларни ҳам жуда яхши билган. Буни унинг фольклор ҳодисаларини атайдиган халқона атамаларни билиши ва ўз асарларида уларни қўллаши мисолида асослаш мумкин. Жумладан, шоир дoston (улуғ ир), афсона (фасона), қисса, лати́фа (базла), ривоят, мазах, масал (мақол), лоф, эртак (чўрчак ёки чўпчак), нақл, терма (ўзмоғ), қўшуғ, чинга, ўланг, қўғирчоқ ўйини турини англатувчи «фонус хаёл» каби фольклор жанри атамаларини ҳамда йиров (жиров), дostonсаро (бахши), ётуғон (дўмбира), лати́фагўй (базлагўй), қўшиқчи (навогўй), наҳвагар, гўянда (йиғичи), ўзон (қўбиз жўрлигида халқ дostonларини куйлайдиган ижрочи), ровий (ривоят айтувчи), ноқил (нақл айтувчи), афсонапардоз (афсона айтувчи), қиссасоз ёки қиссахон (қисса айтувчи), ҳазоллар (қизиқчи, ҳазилкаш) ҳақида маълумотлар беради. Фольклор ҳодисаларига хос бу атамаларнинг аксарияти шоирнинг «Мезон-ул - авзон» асарида изоҳлаб келтирилган.²⁴

Айниқса, шу китобда халқ қўшиқлари номлари, уларнинг вазни ва ижро хусусиятлари ҳақида келтирилган маълумотлар фольклоршунослик нуқтаи назаридан илмий аҳамиятга эгаллиги жиҳатидан эътиборни тортади. Китобда

²¹ Муртазоев Б. А. Навоий «Сабъаи сайёр» ва Х. Деҳлавийнинг «Ҳашт беҳишт» дostonларининг қиёсий таҳлили: Фил. фан. номз... дисс. – Т., 1991; Исомиддинов Ф. Шайх Санъон ҳақидаги қиссаларнинг қиёсий таҳлили: Фил. фан. номз... дисс. – Т., 2001. – 138 б.; Эшонқул Ж. Ўзбек фольклорига туш ва унинг бадиий талқини. – Т.: Фан, 2011.

²² Асадов М.Х. Ўзбек мумтоз шеърлятида риндона маъно ва лирик қаҳрамон характери: Филол. фанлари бўйича фалсафа д-ри (PhD) ...дисс. – Т., 2017. – 138 б.; Асадов М.Х. Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома (генезиси, тараққиёт босқичлари, поэтик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри (DSc) ...дисс. автореф. – Т., 2020. – 79 б.; Раҳмонова З.Ж. XII–XV асрлар ўзбек мумтоз адабиётида муршид ва мурид образлари: Филол. фанлари бўйича фалсафа д-ри (PhD) ...дисс. – Т., 2020. – 170 б.

²³ Мирзаев Т., Жўраев М. Алишер Навоий ҳақидаги халқ ривоятлари ва уларнинг манбалари // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. – Т., 1991. – №8. – Б.40; Жумаев З. Алишер Навоий ҳақидаги тарихий ривоятлар // Адабиёт гулшани. Ўзбек филологиясига доир тадқиқотлар. 1-китоб. – Навоий, 1999. – Б.35-39; Хўжаев Т.Р. Хизр образи ва унинг классик шеърлятдаги талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1991. – № 2. – Б.3-8; Хўжаев Т.Р. Нуҳ образининг поэтик талқинлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1995. – № 1. – Б.24-29; Эргашев Қ. «Тарихи мулуки Ажам»да тарихий ҳақиқат ва афсонавий-романтик талқин // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2006. – Б. 22-25; Тоғаев Тўлқин. Иликтин ихтиёринг бермагил... – «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси. – 2011 йил. – 20-сон; Давлатов О. Алишер Навоий асарларида Хизр тимсолининг талқини // «Алишер Навоий ва XXI аср» мавзусидаги Республика илмий-назарий анжумани материаллари. – Т.: Тамаддун, 2016. – Б.120; Л.Худайкулова. Алишер Навоий ижодида фольклоршуносликка оид мотивлар ҳақида мулоҳазалар. «Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни» халқаро илмий анжуман материаллари. – 2017 йил 11 февраль. – Б.201-217; Ризаева М. Навоий ғазалларида мифологик қарашлар талқини. // «Алишер Навоий ижодий меросининг умумбашарият маънавий-маърифий тараққиётидаги ўрни» халқаро илмий анжуман материаллари. – 2017 йил 11 февраль. – Б.201-203.

²⁴ Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ. XX жилдлик. XVI жилд. – Т.: Фан, 2000.

Навоий халқ кўшиқларининг бир неча турини санаб кўрсатган. Айниқса, унинг «чинга» («ёр-ёр»), «ўланг» («ўлан») каби тўй кўшиқлари ҳақидаги маълумотлари асарлари таркибида улардан аналитик фольклоризм сифатида қўллангани эътиборни тортади. Ўзбек фольклоршунослигида Ш. Имомназарова тадқиқотида кўрсатиб ўтилганидек, ҳозир ҳам ўланлар «хай-хай» ундови орқали бошланади ва шу ундовдан сўнг «ўлан» сўзи келтирилади.²⁵ Бухоро вилоятининг Олот ва Қоракўл туманлари ҳудудида «ўлан»га нисбатан бугунги кунда ҳам «ўланг» атамаси қўлланиши кузатилади.

Умуман айтганда, Алишер Навоий – ўзбек фольклорининг катта билимдонларидан бири. Алишер Навоий томонидан қўлланган фольклор жанрларининг номи ва улар ижросига хос ҳодисаларнинг атамаси уч жиҳатдан аҳамиятли: биринчиси – Навоий даврида бу жанрларнинг мавжудлиги, тарихийлиги асосланган; иккинчиси – Навоий даврида фольклорнинг ўзига хос мустақил жанрлар тизими шаклланиши далилланган; учинчиси – Навоий давридаги халқ ижодкорлари ва ижрочилари, фольклор жанрлари ижросининг профессионаллашуви ҳақида маълумот бера олади.

Навоий асарларининг катта қисми ахлоқ ва таълим-тарбия масалаларига бағишланган. У бундай асарларида халқ орасида кенг тарқалган, оғиздан-оғизга ўтиб келаётган кичик таълимий ҳикоялар – нақллар, мақол ва ҳикматли сўзлардан гоҳ оддий, гоҳ аналитик, гоҳ синтезлашган фольклоризмлар сифатида унумли фойдаланганлиги кузатилади. Айниқса, Навоий насрий асарларининг деярли барчасида халқ эртақларига хос бўлган **сажъ** усули қўллангани алоҳида эътиборни тортади. Масалан: «Эмди келдук сўз баёниға ва калом достониға: мунча мутанаввиъ шаҳру қуро, жиболу саҳро ва бешау дарё халқиким, битилди ва танаввуью тағайюрини шарҳ этилди, мажмуида маъни адосида алфоз тилга келур ва ул алфоздин маъни фаҳм бўлур», – деб ёзади Навоий икки (ўзбек ва форс-тожик) тиллари қиёсига бағишланган «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида.²⁶ Бунда шоир баёниға // достониға, шаҳру қуро // жиболу саҳро // бешау дарё, битилди // шарҳ этилди, келур // бўлур сўзларидан насрда қофия яратиб, сажъ санъатини вужудга келтириш орқали ўз асари таъсирчанлигини оширишга эришган.

Диссертациянинг иккинчи боби «**Алишер Навоий фольклоризмлари таснифоти**» деб номланган. Бу боб «**Навоий ижодида аналитик ва синтезлашган фольклоризмлар**», «**Навоий ижодида этнографик фольклоризмлар**», «**Навоий ижодида стилизацион фольклоризм кўринишлари**» номли уч фаслдан ташкил топган.

²⁵ Имомназарова Ш.Х. Ўзбек фольклорида ўлан жанри: Филол. фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. автореф. – Т., 2018. – Б.14.

²⁶ Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн. МАТ. XX жилдлик. XVI жилд – Т.: Фан, 2000 – Б.9

Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн», «Тарихи мулуки ажам», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» сингари асарлари таркибига, «Хамса» таркибидаги дostonлари ғоявий-бадий руҳига халқ оғзаки ижодига мансуб асарларда учрайдиган айрим афсона, ривоят, эртаклар борича ёки уларга хос мазмун, сюжет сингдириб юборилган. Улуғ қалам соҳибининг бундай аналитик, синтезлашган фольклоризмларини фарқлаш учун эса уларни жиддий ўрганишга тўғри келади. Чунки аналитик фольклоризмлар асар таркибида алоҳида ажралиб туриши билан характерланади. Улар асарда кўпинча фольклордаги кўринишида тўлиқ сақланади, деярли ҳеч ишловсиз келтирилади. Бунга Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида туркий, форсий ва ҳиндий каби уч тил асл тиллар эканини таъкидлаш, уларнинг келиб чиқишини изоҳлаш учун келтирган Нуҳ пайғамбар ва унинг Ёфас, Сом ва Ҳом исми уч ўғли ҳақидаги афсонани мисол қилиш мумкин.

Алишер Навоийнинг «Тарихи мулуки ажам», «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асарларида пайғамбарлар ва шоҳлар ҳақида халқ орасида кенг тарқалган ҳикоя ва қиссалар келтирилганлиги учун тарих ва афсона қоришиб кетган. Шунинг учун бу китоблар фольклор манбаи сифатида ҳам хизмат қила олади. «Тарихи анбиё ва ҳукамо» асари агиографик, «Тарихи мулуки ажам» асари тарихий афсона ва ривоятлар асосида яратилган. Бу асарларнинг бадий тузилишида афсона ва ривоятлар муҳим аҳамият касб этган. Улар ҳар иккала асарда бир-бирига хронологик тартиб улаб борилган. Навоий пайғамбар ва ҳукмдорлар ҳақида яратилган халқнинг афсона, ривоят, эртак ва қиссалари сюжетини ўзлаштириб, асарлари таркибига маҳорат билан сингдириши натижасида синтезлашган фольклоризмни ҳосил қилган.

Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» дostonини ёзишга киришар экан, асарнинг режасини тузиб олгани, турли афсоналар, тарихий манбаларни кўриб чиққани, шу мавзуда ёзилган дostonларда йўл кўйилган хатоларни тузатиб, ўз ғояларини қай тарзда ифода этмоқни ният қилганини ёзади. Дoston сюжети сеҳрли эртаклар, романтик ҳамда қаҳрамонлик дostonларида учрайдиган кўплаб анъанавий эпик мотивлар асосида шакллантирилган. Жумладан, Фарҳоднинг отаси хазинасида тилсим (сеҳрли) ойнага дуч келиши, унинг Аҳриман дев ва аждар билан халқ эртаклари баҳодирлари сингари олишиб, ғалаба қилиши ҳамда улар кўриклаётган тилсим хазинани, сеҳрли узукни кўлга киритиши, афсонавий Жамшид жомига эга бўлиши, Жомосб башоратининг сюжет воқеалари ривожига йўл очиши, беш юз йил ғор ичида яшаётган Суҳайло билан учрашиши, Самандар ёғидан фойдаланиши кабилар шулар сирасига киради. Дostonда «сеҳрли» рақам деб қаралувчи тўрт сони билан боғлиқ мотивлар²⁷ ҳам алоҳида ўрин эгаллаган. Бунга ҳоқоннинг шаҳзода Фарҳодга атаб тўрт йилда тўрт фаслга мўлжалланган тўрт қаср қурдириши воқеаси мисол бўла олади. «Фарҳод ва

²⁷ Жўраев М. Эртакларда «сеҳрли рақамлар». – Т.: Фан, 1983. – Б. 152.

Ширин» достонида учрайдиган анъанавий эпик мотивлардан яна бири йўл ва унинг учга бўлиниши мотивидир. Бунда учинчи тилсим манзилени тополмай турган Фарҳодга Хизр кўмакка келиб, йўл кўрсатади. Достонда мастон кампир тимсолининг берилиши ҳам халқ эртак ва достонларига хос хусусиятлардан биридир. Достондаги анъанавий эпик мотивлардан яна бири Фарҳоднинг бир кўришдаёқ Ширинга ошиқ бўлиб, ҳушидан кетиши, маликанинг ўзига ёр танлаши мотивидир. Шунингдек, қаҳрамонлар отининг таърифи билан боғлиқ мотивлар ҳам халқонадир. «Фарҳод ва Ширин» достонида малика Шириннинг «Гулгун» исмли отининг бодпой, яъни елдек тезюрар деб таърифланиши айрича эътибор билан келтирилган. Достонда Шопурнинг Фарҳодга чин ва самимий дўстлиги «Алпомиш» достонидаги Ҳакимбек билан Қоражоннинг ўзаро дўстлигини ёдга солади. Шу жиҳатдан Шопур образи достонда муҳим ўрин тутади.

Ёзма бадий адабиётда афсоналардан композицион ва эстетик восита сифатида фойдаланиш анъанаси мумтоз шоир Алишер Навоий ижодида янада тараққий эттирилган. Бу фикр «Хамса»нинг учинчи – «Лайли ва Мажнун» достони мисолида яна бир бор ўз тасдиғини топади.

Лекин чу рақамга келди мазмун,

Афсона анга либоси мавзун...

Достонда келтирилган бу мисралар орқали Навоий мақсади афсона сўзлаш эмас, балки мазмун баён этиш эканлигини маълум қилмоқда. Афсона асарнинг ташқи шакли, қобиғи холос. Аслида достоннинг асосий ғоявий моҳиятини шоир яшаган муҳитнинг долзарб муаммолари, севги ва оила, феодал жамиятда хотин-қизлар тақдири масалаларига муносабат билдириш ташкил қилади. Достонда маиший ҳаёт лавҳалари, маросимлар, урф-одатлар, расм-русумлар шоир яшаган XV аср ҳаёти нуқтаи назаридан тасвирланган.

«Хамса»нинг тўртинчи достони «Сабъаи сайёр» Баҳром Гўр ҳақида Эронда ва у билан қўшни бўлган ўлкаларда, жумладан, Ўрта Осиёда кенг тарқалган турли-туман афсона ва ривоятлар таъсирида яратилган. Уларда Баҳром Гўр шавкатли хукмдор, моҳир овчи, ишратпараст шахс сифатида тасвирланади. «Сабъаи сайёр»даги ҳикоялар халқ эртаклари каби етакчи қаҳрамонларнинг ғалабаси билан якун топади.

«Хамса»нинг бешинчи, сўнгги достони «Садди Искандарий» туркий халқлар орасида кенг тарқалган Искандар (Александр Македонский) ҳақидаги турли-туман афсона ва ривоятлар, эртаклар таъсирида ёзилган. Бироқ Навоий яратган Искандар образи хамсачилик ва халқ оғзаки ижоди анъаналари тараққиётида ўзига хос янгилик бўлди. Навоий Искандар образи орқали адолатли ва маърифатпарвар идеал шоҳ тимсолини яратишни кўзлади. Достонда шоир Искандарнинг Равшанак ва Мехринозга уйланиши маросимини тасвирлар экан, тўй ўланларидан мисол келтиради. Улар аналитик фольклоризм сифатида эътиборни тортади.

Алишер Навоий ижодида туркий халқларнинг ҳаёт тарзи, турмуш маданияти, ижтимоий-сиёсий, илоҳий-ирфоний дунёқараши, ҳатто қадимий мифологик тасаввур-тушунчалари ва улар билан боғлиқликда келиб чиққан айрим урф-одат ҳамда маросимлари билан боғлиқ лавҳалар тасвири ва талқини алоҳида ўрин тутди. «Этнографик фольклоризмлар» сифатида қайд қилинадиган бундай бадиий лавҳалар шоир асарларининг миллий ва реалистик руҳини, таъсирчанлигини оширишга хизмат қилган. Ишда бунга шоирнинг кўзгу, халқнинг даволаш магиясига ишончи, кўз ва ёмғир дуоси, аҳволи оғир бўлган беморнинг оғзига пахта билан сув томизиш туриш расми, маросим либослари, меҳмоннавозлик одоби, қадимда одамлар йирткич жонзотларни ов қилишда, қўлга ўргатишда афсун-дуолардан фойдаланганини кўрсатувчи мисралари кенг таҳлилга тортилган. Масалан, улуғ шоир халқнинг Ой билан боғлиқ урф-одатлари талқинига ҳам этнографик фольклоризм сифатида кўп мурожаат қилган:

Янги ой кўргач халойиқ, кўзни тутмоқ расм эрур,

Лекин очилди кўруб мушкин ҳилолингдин кўзум.²⁸

Ушбу мисралар орқали қизиқ бир далил – илгарилари одамлар янги ой чиққанини кўрганда, орқадан билдирмай келиб, бир-бирининг кўзини қўллари билан бекитганча тилак-истагини, нима кутаётганини сўраш одати бўлганидан дарак беради. Бу ҳолат ҳозир ҳам болалар ўртасида ўйин сифатида сақланиб келаётган бўлса-да, янги ой чиққанда расм сифатида амалга оширилиши унутилган. Агар киши янги ой чиққанини кўрганда ёнида бошқа биров бўлмаса, ўз кўзини ўзи юмганча тилагини айтган. Шунинг учун Алишер Навоий ғазалларида янги ойни кўргач, «кўзни тутмоқ» ёки «кўзни юммоқ» расми билдириб ўтилган.

Фольклор жанрлари стилизацияси жараёнида халқ ижоди ҳамда ёзма адабиёт поэтик қонуниятларига мувофиқ иш тутилади. Улар асосида ижодкор ўз даврининг долзарб муаммоларини очиб беради. Шунинг учун И.Ёрматов стилизация характеридаги фольклоризмларни мураккаб фольклоризмларнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири деб қарайди.²⁹

Алишер Навоий фольклоризмлари кўпроқ оғзаки эпик асарларнинг сюжет мотив ва образларини айнан қўллаш асосида юзага келганлиги кузатилади. Шунининг оқибатида, М.Шайхзода Алишер Навоий ижодига оид тадқиқотида: «Навоий сюжет тўқималаридан бошқа фольклорнинг деярли ҳамма приём, восита, жанр, шакл, шеърларидан ҳам кенг фойдаланган...

²⁸ Навоий А. Ғаройиб ус-сиғар. МАТ. XX жилдлик. III жилд.– Т.: Фан, 1988. – Б. 329.

²⁹ Ёрматов И. Фольклоризмларнинг типологик хусусиятлари. – Ўзбек тили ва адабиёти. – 1982. – 2-сон. – Б.55-58; Ёрматов И.Стилизация характеридаги фольклоризмлар.– Ўзбек тили ва адабиёти. – 1984. – № 3. – Б.31.

«Сабъаи сайёр» достонида эртак бошланмасидан, бошқа асарларида мақол-матал жанрларидан фойдаланилган», – деб ёзади.³⁰

Алишер Навоий ижодида олқиш ва қарғиш стилизацияси **оддий фольклоризмлар** сифатида намоён бўлади. Айтиш мумкинки, ёзма адабиётда, айниқса, Алишер Навоий ижодида олқиш стилизация қилинган сатрлар кўплаб учрайди. Ҳатто Навоийнинг айрим ғазал байтлари бевосита олқиш шакли ва мазмунида яратилгани билан эътиборни тортади.

Кўп йил ани ҳақ жаҳонда тутсун, ё раб,
Ва ҳар офатдин омонда тутсун, ё раб,
Ҳам ҳашмати бегарона тутсун, ё раб,
Ҳам давлати жовидона тутсун, ё раб.³¹

«Назм ул-жавоҳир» асаридаги бу рубоий олқиш мазмунида эканлиги билан диққатни тортади. Шу маънода уни **рубоий-олқиш** ҳисоблаш мумкин.

Шоир асарларида қарғишлар ҳам оддий ва аналитик фольклоризм сифатида қўлланган мисралар ҳам учрайди.

Диссертациянинг учинчи боби «**Алишер Навоий ижодида фольклор жанрлари стилизацияси**» деб номланган. Бобнинг «**Алишер Навоий ижодида марсия ва навҳалар**» деб аталган илк фаслида ўзбек мотам маросими жараёнлари билан боғлиқ тарзда ижро қилинадиган йиғи ва йўқлов кўшиқларига хос шакл, услуб, оҳангда Алишер Навоий яратган навҳалар, ғазал-марсия ҳамда таркиббанд марсиялар ғоявий-бадий, композицион жиҳатдан таҳлилга тортилган. Жумладан, шоирнинг устози, яқин маслаҳатгўйи Абдурахмон Жомий, дўстлари Саййид Ҳасан Ардашер ва Паҳлавон Муҳаммад вафотига атаб ёзган шеърлари ёзма адабиётдаги марсиянинг мумтоз намуналари сифатида қаралган.

Алишер Навоийнинг Абдурахмон Жомийга бағишланган «Марсияи ҳазрати Маҳдум» («Маҳдум ҳазратлари ҳақида марсия») номли марсияси таркиббанд шаклида, форс тилида битилган. Ҳажман ҳар бири ўн байтлик етти банддан ташкил топган. Унда шоир устози Абдурахмон Жомийнинг ўлими муносабати билан ҳаёт ва ўлим, боқийлик ва фонийлик, тирикликнинг мазмун-моҳияти, поклик, эзгулик ҳақидаги фалсафий фикрларини баён этган. Шеърда таркиббанд, марсия каби аслида алоҳида-алоҳида жанрларнинг хусусиятлари бирлаштирилган. Халқ йиғи-йўқловларидаги каби Навоий марҳум Жомий руҳи покига олқиш айтиб, унинг абадий уйқусига хотиржамлик тилайди. Устози руҳидан мадад сўрайди.

«Ҳамсат ул-мутаҳаййирин» асарида келтирилган маълумотлар асосида Навоий даврида мотам маросимларининг ташкил қилиниш тартиби ҳақида ҳам билиб олиш мумкин. Масалан, шоир ўлимининг мудҳиш хабари шаҳарга

³⁰ Шайхзода, Мақсуд. Навоий ижодида фольклор мотивлари. Асарлар.VI томлик. 4-том. – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. – Б. 23-29.

³¹ Навоий А. Назм ул-жавоҳир. МАТ. XX жилд.XV жилд.– Т.: Фан, 1999. – Б.130-131.

тарқалгач, ақобирми ё оддий фуқароми – барчанинг атрофдан йиғилиб келиши, ҳамма сўгворлик (мотам) либосида бўлиши, ҳой-ҳой йиғлаб ва талх-талх шўробалар тўкиши, соҳиб азони қучиб, бир муддат унинг бошини қўйнида асраб йиғлаб, сойир асҳобга кўнгул бериб, ҳолига дилсўзлуклар айтишини билдиради.³² Шу ўринда Жомийнинг ўғли Мавлоно Зиёвуддин Юсуфга ва Навоийга султоннинг келиб, соҳиб азо сифатида кўнгил сўрагани ҳам тасвирланган. Атрофдаги вилоятдан ҳам ул зотнинг азоси учун келишганини таъкидлаган. Келтирилган маълумотлар воситасида Навоий даврида соҳиб азалик, аза сўраш одоби, аза билдирувчилар томонидан азадорларга ҳатто либослар тухфа қилиш, марҳум хотираси учун бир йилгача мотам сақлаш, сўнгра йил маросимини ташкил қилиб, «йил оши» удумини бажариш, яъни элга ош тортиб, марҳумни тантанали хотирлаш, руҳига дуолар қилиш удумлари бўлганини билиб олиш мумкин. Бу удумларнинг барчаси ҳозиргача ўзбеклар орасида сақланиб келмоқда. Фақатгина азадорларга йил ошидан сўнг либослар тухфа қилиш удуми ҳозирги пайтда Фарғона водийси ҳамда Сурхондарё худуди аҳолиси орасидагина сақланиб қолган.

«Хамсат ул-мутаҳаййирин» асари охирида келтирилган марсияларда *ажал, арвоҳ, тобут, мотамкада, мотамзада, жаннати фирдавс, гирьяқунон, наъразанон, навҳатироз* сингари мотам маросимига оид тушунчалардан фойдаланилган. Шунингдек, келтирилган марсия-ғазал бевосита марҳумни тобутга солиб, қабристонга кўтариб олиб бориш жараёнида тобуткашларнинг ҳолати ва вазиятини реал акс эттиргани билан аҳамиятлидир. Чунки ҳозиргача халқимиз орасида вафот этган киши тобутини елкама-елка кўтариб бориб, сўнгги манзилига қўйиб келиш одати сақланган. Зеро, шу ҳаётий реал манзарани Навоий бадий ифодалаб кўрсатган. Ғазалнинг илк мисраси ўлимнинг барҳақлигини, шоҳу гадога бирлигини, барчанинг ўткинчилигини таъкидлаш билан бошланган. Аслида бундай ҳақли эътирофни халқ йиғи-йўқлов қўшиқларида ҳам кузатиш мумкин.³³

Ғазалда келтирилган «қора кун» тушунчаси икки хил маънода талқин топган: марҳум учун улуғ ва қутлуғ кун сифатида, чунки у бу кун Яратган ҳузурига отланмоқда. Шунинг учун шоир марҳумга мурожаат қилиб, «тунинг нур билан ойдиндек оппоқ», «ҳеч ким бундай қора кунни кўрган эмас эди» дейди. Лекин тирикларнинг ўз яқинидан, улуғ бир зотдан айрилиб қолгани улар учун «қора кун», яъни ғаму қайғуга тўла кун бўлгани таъкидланмоқда.

Алишер Навоийнинг меҳрибон ва ғамхўр дўсти Саййид Ҳасан Ардашер вафотига бағишланган таркиббанд-марсияси ҳам бор. Бу марсияга дастлаб

³² Навоий Алишер. Хамсат ул-мутаҳаййирин. МАТ. XX жилд. XV жилд – Т.: Фан, 1999. – Б.78.

³³ Бўзлардан учган ғазал-ай. Ўзбек халқ йиғи ва йўқловлари. Тўплаб, нашрга тайёрловчилар: О.Сафаров, Д.Ўраева. – Бухоро, 2004. – Б.91.

навоийшунос олимлардан А.Ҳайитметов «Навоий лирикаси» монографиясида, Н.Маллаев «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигида, М.Раҳимжонов марсия жанрига бағишланган диссертациясида алоҳида муносабат билдириб ўтилган.³⁴

Ҳазрат Навоий марсиянинг дастлабки бандида Саййид Ҳасан Ардашернинг ҳаётдан кетганлиги ҳақида алам билан сўзлар экан, бир ўринда «Лоласининг не учун қонга бўялмиш кафани?...» деб айтади. Бунда шоирнинг марҳум инсонни лолага ўхшатаётгани асосида халқона тушунчалар мужассам. Чунки халқ орасида шу йил ўтганларнинг қонидан янги йилда кип-қизил лолаю лолақизғалдоқлар униб чиқиши ҳақида тасаввур-тушунчалар тарқалган.³⁵

Ҳалқаи зикр дема фақр элига шому саҳар
Ки, азосида бу эл навҳа падидор этти.

«Ҳалқаи зикр» тасаввуф таълимотида зикрнинг бир кўринишидир. Шоир бу ўринда «Фақр аҳли ҳалқаи зикрда деб ўйламанг, балки улар Саййид Ҳасаннинг азасидан шому саҳар овоз чиқариб (навҳа) йиғляпти» дейиш билан мотам маросимида марҳумнинг ошна-оғайнилари, қариндошлари айланиб, ҳалқа ҳосил қилиб, садр тепиши воқеасига ҳам ишора қиляпти. Чунки «садр» ўзбек дафн маросимлари таркибига кирадиган қадимий удумлардан бири сифатида ҳозиргача сақланиб келмоқда.³⁶

Шоир халқ марсияларидаги каби марҳумнинг табиати, характери билан боғлиқ ҳар бир фазилатига алоҳида урғу бериб ўтган. У Саййид Ҳасан шахсига хос фазилатларни бирма-бир санаб кўрсатади. Унинг «солики атвор», «кошифи асрор», «фақр манзилларининг раҳрави», «аҳли фано муршиди», «солики жода», «ўзини туфроғ каби тутувчи» каби фазилатлар соҳиби эканлигини таъкидлайди.

Алишер Навоийнинг «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асари «Куштигир» тахаллусли курашчи ва шоир дўсти Паҳлавон Муҳаммаднинг вафоти муносабати билан унинг хотирасига бағишлаб яратилган. Навоий Паҳлавон Муҳаммадни «ўлди» дейишга тили бормай, «ҳаёт вадиатин муқтазойи ожилға топшурубдур», «ўзга олам азиматиға оёқ урди», «Чун Ҳазрати Маҳдумий Шайхул-исломий қаҳф ул-аномий Мавлоно Нуриддин Абдурахмон ил-Жомий (қаддасаллоҳу рухуҳу)дин бир йил сўнгра Паҳлавон ҳамул Ҳазратнинг пайравлиғиға; бу фано тангнойидин бақо гулшани фазосиға хиром кўргузди» дейди. Ўзининг «Паҳлавон мотамидин ғамзада»

³⁴ Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Т., 1961. – Б.40; Н.Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. – Т., 1963. – Б.435; Раҳимжонов М. Ўзбек мумтоз лирикасида марсия жанри. Филол фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) дисс. – Самарқанд, 2020. – 151 б.

³⁵ Пещерева Е.М. Праздник тюльпана (лола) в сел. Исфара Кокандского уезда. // Сб. “В.В.Бартольд”. – Т., 1927; Ўраева Д.С. Ўзбек мотам маросими генезиси, жанрий таркиби ва бадиияти: Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2005. – Б.42.

³⁶ Насриддинов Қ. Ўзбек дафн ва таъзия маросимлари. – Т., 1996. – Б.44-49; Ўраева Д.С. Ўзбек мотам маросими генезиси, жанрий таркиби ва бадиияти: Филол. фан. д-ри... дисс. – Т., 2005. – Б.82-85.

бўлганлигини ва «юз дарду ҳасрат»да қолганини айтади.³⁷ Шоир асарни Паҳлавон Муҳаммад руҳига бағишланган «Ҳақ субҳонаҳу ва таоло ҳар замон юз қандил нур ва ҳар дам минг машъал берур, пур футуҳ руҳига нозил қилсун ва анинг руҳи мададидин бу шикаста ва ғамзада ва бу хаста мотамзаданинг дунё мақосидин ва охири муродотин ҳосил!»³⁸ қилсин тарзидаги олқиш ҳамда шу руҳга мос ёзилган рубоий-олқиш билан якунлайди:

То ҳашр уза анинг марқади пурнур ўлсун,
Ҳақ раҳматидин равон мағфур ўлсун,
Жаннат чаманида руҳи масрур ўлсун,
Кавсар суйи бесоқий анга ҳур ўлсун.³⁹

Алишер Навоий «навҳа» сўзини йиғи-йўқловлар маъносида ишлатган. Жумладан, «Лайли ва Мажнун» достонининг 33-фаслида бош қаҳрамон Мажнун (Қайс)нинг ота-онаси вафоти муносабати билан айтган навҳалари келтирилган. Навоий «навҳаангез», «навҳа оғоз», «навҳапардоз», «навҳаю азони», «навҳаву ашк нолиши», «навҳаи дард», «навҳаи фироқи» каби қатор сўз ва изофали бирикмаларни қўллаш орқали навҳаларни фарқлаб кўрсатган. Дард навҳаси, фироқ навҳаси, мотам навҳалари бир-биридан фарқланган.

Бобнинг «**Навоий ижодида паремнологик жанрлар стилизацияси**» номли иккинчи фаслида Алишер Навоий меросида фольклордаги топишмоқ, мақол сингари жанрлар стилизацияси натижасида юзага келган стилизациян фольклоризмлар ёритилган. «Луғз» араб тилидан ўзлаштирилган сўз бўлиб, «топишмоқ», «сир» маъноларини англатади. Туркий халқлар оғзаки ижодида «топишмоқ» тарзида номланган мазкур жанр форс-тожик тилида «чистон» деб юритилади. Хуллас, адабий топишмоқлар ёзма адабиётга луғз, чистон номлари билан кириб келди. Айтиш мумкинки, туркий адабиётда луғз жанрининг илк намуналари Навоий ижодида учрайди. Шоирнинг «Хазойин ул-маоний» куллиётида 10 та, «Девони Фоний»да 9 та луғз келтирилган. «Хазойин ул-маоний»даги луғзларнинг 8 таси қитъа, 2 таси рубоий, «Девони Фоний»даги луғзлар маснавий, қитъа ва рубоий тарзида қофияланган. Халқ топишмоқлари ҳажм жиҳатидан қисқа ва ихчам бўлади, лекин Навоийнинг туркий тилдаги луғзлари 2, 4, 5, 6 байтли, форсийдаги *кема* номи яширинган битта луғзи 9 байтлидир. Топишмоқларда ҳам, луғзлар матнида ҳам яширинган нарса номини топиш вазифаси қўйилади. Кузатишларимиз натижасида шу аниқландики, Навоий қайси нарса ҳақида чистон (луғз) яратган бўлса, ўша нарсанинг номини матн ичида ёки охирида яна бир бор тилга олиб ўтади. Бунга Алишер Навоийнинг 6 байтли (12 мисра) «Не лўлидурки, чун хангома тутса» сатри билан бошланувчи «қалам» тасвирига

³⁷ Навоий Алишер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. МАТ. XX жилд. XV жилд. – Т.: Фан, 1999. – Б.118-119.

³⁸ Навоий А. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. МАТ. XX жилдлик. XV жилд – Т.: Фан, 1999. – Б. 120.

³⁹ Навоий Алишер. Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад. МАТ. XX жилд. XV жилд – Т.: Фан, 1999. – Б.120.

бағишлаган луғзи матни охирида «килк» сўзини қўллаганини мисол қилиш мумкин. Навоийнинг «Не шўх эрурки, улус кўнгли ичра савдоси» деб бошланувчи 5 байтли (10 мисрали) луғзи танга ҳақида бўлгани учун «Танга», «Қайси айёр эрким улким, нақб урар санъатда бор» деб бошланувчи луғзи «Игна» сарлавҳаси билан келтирилган. Навоийнинг айрим луғзларида яширинган нарса номига ишора қилувчи сўзнинг форс-тожикча синоними ёки айнан ўзи асл туркий, соф ўзбекча кўринишда қўлланилгани кузатилади. Навоий чистонларининг яна бир эътиборли томони шундаки, улар форс-тожикча «чист – нима, он – у» сўзларидан ясалган «чистон» моҳиятига мос ҳолда «не» (нима), «қайси» сўроқ ҳамда «ул» (у) кўрсатиш олмошлари билан бошланган. Шоир чистонларида номи яширинган нарсани ифодаловчи сўзнинг омонимини келтириш ҳолати ҳам кўзга ташланади. Шу омоним сўз воситасида яширинган нарса номига бадий ишора қилинади. Бунга бел ва поки ҳақидаги луғзлар мисолдир.

Навоий ижодида инсон тафаккурини чархлаш асосига қурилган луғз, муаммо, таърих, мувашшаҳ кабилар шаклланишида халқ топишмоқларининг таъсири борлигини инкор қилиб бўлмайди. Айтайлик, топишмоқларда ҳам, муаммо жанрида ҳам бадий тасвирий восита орқали масалага ойдинлик киритиш, ҳар иккала жанрда тасвирий воситалар қиёс учун хизмат қилиши умумий хусусият экани ойдинлашади.

Алишер Навоийнинг халқ мақолларидан фойдаланиши икки усулда намоён бўлади: **1. Шеърӣ мисралар мазмунига мос мақолни айнан келтириш. 2. Мақолларда илгари сурилган ғояларни ижодий ўзлаштириш натижасида ҳикматлар (афоризмлар) яратиш.** Шоирнинг фард шаклида яратилган бундай адабий ҳодисаларида мақол мазмуни мисралар мағзига сингдириб юборилган.

Диссертациянинг **Алишер Навоий ижодида анъанавий эпик мотивлар стилизацияси**» деб аталган тўртинчи боби «**Мифологик жанг мотиви**», «**Телбалик мотиви**», «**Фарзандсизлик мотиви**», «**Туш мотиви**» сингари фасллардан тузилган. Айтиш мумкинки, шоир маҳорат билан стилизация қилган шундай анъанавий эпик мотивлардан бири мифологик жанг мотивидир. Ўзбек фольклоршунослигида мифологик жанг мотивининг мазмун-моҳияти, белгилари ҳақида илк бор таниқли фольклоршунос К.Имомов алоҳида мақола эълон қилган.⁴⁰ Бундан ташқари, мифологик жанг мотиви хусусида эртақлар бадиияти тадқиқига бағишланган айрим ишларда ҳам баъзи фикр-мулоҳазалар билдириб ўтилганлиги кўзга ташланади.⁴¹ Бироқ

⁴⁰ Имомов К. Мифологик жанг ва унинг эпик талқини // Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. 1-китоб. Илмий мақолалар тўплами. – Т., 2006. – Б.23-26; Имомов К. Ўзбек халқ прозаси. – Т.: Фан, 1981; Ўзбек халқ насри поэтикаси. – Т.: Фан, 2008.

⁴¹ Пропп В.Я. Исторические корни волшебной сказки. – Л.: Издательство ЛГУ, 1946. – С.173-174; Афзалов М. Ўзбек халқ эртақлари ҳақида. – Т.: Фан, 1964; Жалолов Ғ. Ўзбек халқ эртақлари поэтикаси. – Т.: Фан, 1976; Эгамов Х. Совет Шарқи туркий халқлари эртақчилиги анъаналари алоқалари тарихидан очерклар. – Т.:

мифологик жанг мотивининг бадий адабиётдаги талқини ҳали ўрганилган эмас. Айниқса, тасаввуфий адабиётда мифологик жанг мотивидан фойдаланиб, инсоннинг нафсга қарши курашини бадий акс эттириш қонуниятларини аниқлаш фольклор ва ёзма адабиёт муносабатининг яна бир янги қиррасини очиш учун муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мотивнинг Алишер Навоий ижодидаги бадий интиҳоси аждарҳо ва Ахриман девга қарши жанг воситасида инсоннинг ўз нафсини енгиши шаклида тавсиф этилгани жиҳатидан эътиборни тортади. Алишер Навоий асарларида келтирилган мифологик жанг мотиви: а) Оллоҳ мўъжизаларига, руҳий ўзга оламга иймон келтириш ва ишониш ғоясини сингдириш; б) нафсни енгиш учун чорлаш каби икки хил вазифада қўлланган.

Телбалик инсоннинг мураккаб психологик ҳолатларидан бири сифатида бадий қаҳрамон ҳаёти мисолида мотивлаштирилиши анъанавий поэтик тажрибалардан бири бўлиб, унинг юксак намунасини улуғ ўзбек мутафаккир шоири Алишер Навоийнинг айрим ишқий ғазалларида, «Хамса» асари таркибидаги «Лайли ва Мажнун» достонида ёрқин кузатиш мумкин. Телбалик сабабларини, ижтимоий-ҳаётий факторларини турли фанлар кесимида ўрганишга, шунингдек, у билан боғлиқ ҳолатларни адабиётда ҳам ифодалашга айрича диққат қаратилади. Айтайлик, файласуфлар телбаликни оламга муносабат шаклларида бири, руҳшунослар мураккаб психологик ҳолат, социологлар ижтимоий ҳаётдаги камситилган ва эътиборга муҳтож қатлам, тиббиётчилар руҳий касаллик, тасаввуфшунослар Оллоҳ ишқига эришишнинг бир кўриниши деб қарайдилар. «Лайли ва Мажнун» достонида асл исми Қайс бўлган йигитнинг ёр ишқидан ўртаниши уни телбалик кўйига солиши бадий ёритилган. Лекин бунда Қайснинг ишқи аслида Оллоҳга қаратилган бўлиб, Лайли тимсолида унинг тажаллисини кўради. Шу ҳақиқий ишқ ҳажри, ёрдан айрилиқ азоби ошиқ йигитни телбаликка гирифтор қилади. Ишқ дарди туфайли телба (жинни, девона) ҳолатига тушиб қолган Қайсни ҳеч ким, ҳатто ота-онаси ҳам англай олмайди. Ҳамма уни Мажнун, яъни жинни деб атай бошлайди. Навоий ўз ҳолатини кўпинча Мажнун ҳолати орқали ошкор этишга уринади. Шоир телбалик ҳузурини баён этиб, шукрона келтиради. Телбаликни «бедаво дард» атаб, унга ҳеч бир табиб чора тополмаганини айтади. Алишер Навоий ижодида телба образи Яратганнинг назари тушган инсон тимсолини ифодалашга хизмат қилган.

Фарзандсизлик мотивига Алишер Навоий ўз асарларида ижтимоий-сиёсий, илоҳий-ирфоний, ахлоқий муаммоларнинг бадий талқинида

Ўқитувчи, 1980; Шомусаров Ш. Араб ва ўзбек фольклори тарихий-қиёсий таҳлили. Филол. фанлари д-ри. дисс. автореф. – Т., 1997. – Б.42; Эшонқулов Ж.С. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадий талқини: Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Т., 1996. – Б.8-23; Қаюмов О. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва поэтикаси): Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Т., 1999. – Б.25; Файзиёва Д. Ўзбек фольклорида илон образи (генезиси ва бадиияти): Филол. фанлари номз... дисс. автореф. – Т., 2004.

мурожаат қилади. «Фарҳод ва Ширин» достонининг воқеалари Чин ҳоқонининг фарзандсизлиги мотиви билан бошланган. Достон худди шу жиҳатига кўра ўзбек халқ қаҳрамонлик эпослари «Алпомиш» ҳамда «Рустамхон» достонлари билан ўхшаш. Уларда ҳам сюжет воқелиги бевосита юрт бошлиғи бўлган ҳукмдор, давлатманд отанинг бефарзандликдан озор чекиши мотиви билан бошланган. Азиз Қаюмов улуғ шоирнинг фарзандсизлик мотивидан фойдаланиш маҳоратига диққат қаратар экан: «Обрў ва давлат фарзандсизлик ва ёлғизлик ўртасидаги қарама-қаршиликда турмуш диалектикаси акс этади. Бу эса достон бадиий матосининг пишиқлигидан бир нишонадир», – деб ёзган.⁴²

Алишер Навоийнинг жуда кўп асарларида туш билан боғлиқ тасвирларни кузатиш мумкин. Жумладан, «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий», «Лисон-ут-тайр», тарих ва ҳолатларида ҳам тасвирланаётган воқеа-ҳодиса ҳамда қаҳрамонларнинг руҳий ҳолатини очишда туш мотивидан унумли фойдаланилган. Туш мотиви «Насойим ул-муҳаббат»да тасаввуф вакиллариининг ҳаёти ва яшаш тарзи, авлиёлик сифатларини ёритишга хизмат қилса, «Лисон-ут-тайр» асарида Шайх Санъоннинг илоҳий тушлари унинг ҳаётини кескин ўзгартириб юборади. «Лайли ва Мажнун» достонида Мажнун ота-онаси ўлиmidан тушида огоҳ бўлади. «Сабъаи сайёр»да унинг номига мос тарзда еттита туш келтирилган. Унда шоир туш мотивидан достон композициясида тугун ва ечим сифатида фойдаланган. Достоннинг кейинги саҳифаларида ички ҳикоялар таркибида келтирилган Фарруҳ, Саъд, Файлакус ҳақимнинг тушлари эса бу қаҳрамонларнинг тақдири, характер-хусусиятига ишора қилиши билан эътиборни тортади.

Диссертациянинг бешинчи боби **«Навоий ижодида тасаввуфий ғояларнинг халқона образлар стилизацияси асосидаги талқинлари»** деб номланган бўлиб, унинг таркибини **«Навоий ижодида мифологик образлар стилизацияси»**, **«Навоий ижодида тарихий-реал шахслар образи орқали тасаввуфий ғояларнинг ифодаланиши»**, **«Навоий ижодида қушлар ва ҳайвонлар образининг халқона асосларда ифодаланиши»**, **«Навоий ижодида Наврўз, бозор тушунчалари асосида тасаввуфий ғояларнинг образли ифодаси»** фасллари ташкил қилади.

Алишер Навоий кўпинча ишқий мазмундаги достон ва ғазалларида хазина, бойлик, яъни инсонни нафсга етакловчи манбанинг кўриқчиси, ҳукмдори тимсолларини ифодалаш учун халқ асарларидаги каби аждар (аждаҳо) образидан фойдаланиб, инсоннинг ўз нафси билан курашини рамзий ифода этади. Шоир мисраларида **аждоҳо** кўпинча ганж – хазина, бойлик, маъшуканинг сочи, зулм сабабчиси сифатида талқин қилинади. Ошиқнинг ишқ йўлидаги руҳий ҳолатини беришда эса **дев** тимсолига кўп

⁴² Қаюмов А. Асарлар. 1-жилд, 2-китоб. Ишқ водийси чечаклари. “Лайли ва Мажнун”. Етти саёҳатчи. “Садди Искандарий”. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2008. – Б.13.

мурожаат қилинган. Лирик қаҳрамон – ошиқ. У ошиқликда девона. Тасаввуфий нуқтаи назардан, девона – илоҳий жазба теккан инсон. Шоир таъкидни кучайтириш мақсадида ошиқни девга қиёслайди. Муболағали айтганда, ошиқнинг ҳар бир охи ишқ водийсида бир девбодни ҳосил қилади.

Алишер Навоий шеърлятида энг кўп қўлланган мифологик образлардан **пари** генетик жиҳатдан ибтидоий даврга хос мифологик дунёқараш маҳсулидир.⁴³ Улуғ шоир шеърлятида пари гоҳ маъшуқа билан қиёсланади, гоҳ маъшуқа ўзининг латофати билан ундан устун келади, баъзан у парига ўхшатилади. Навоий ғазалларида пари билан бирга **малак** образи ҳам қўлланган. Малак – фаришта, унинг қанотлари бор бўлиб, учиб юради. Малак фақат ижобий маънода тасвирланади. Пари эса жуда гўзал қиз сувратигаги мифик образ бўлиб, фольклордаги каби гоҳ ижобий, гоҳ салбий талқин қилинади.

Алишер Навоий кўпинча инсонларнинг салбий сифатларидан бири манманлик (ўзлук)ни танқид қилар экан, тамсил сифатида **шайтон** билан боғлиқ диний афсонага мурожаат қилади. Улуғ шоир кибр инсонни одамийликдан, бахтдан йироқ қилувчи эканлигини таъкидлаш учун шайтон ҳолини ёдга солади.

Алишер Навоий асарларида Хизр образи ҳам кўп учрайди. Навоий Хизр образидан икки хил мақсадда фойдаланган: биринчиси – эпик ҳомий кўмакчи образида, иккинчиси – пайғамбарлардан бири сифатида.

Алишер Навоий ижодида учрайдиган аксарият образлар тарихий-реал шахс образи эканлиги билан диққатни тортади. Унинг ғазалларида Мусо, Масиҳ, Сулаймон, Довуд, Яъқуб, Юсуф, Аюб каби қатор пайғамбарлар образи орқали талмеҳ санъати яратилганлиги кузатилади. Шоир яна реал асосга эга деҳқон, бола (тифл), арус, лўли образлари орқали улар билан алоқадор халқ қарашларига таяниб, яратувчанлик, поклик, ўткинчилик, тақдир тушунчаларини тасаввуфий руҳга йўғириб бадий акс эттиргани кузатилади.

Алишер Навоий лирик асарлари ва дostonларида кўп учрайдиган образлардан яна бири **қушлар ва ҳайвонлар**дир. Жумладан, шоир кўпроқ булбул, қарға (зоғ), тўти, товус, худхуд каби қушлар образига кўпроқ мурожаат қилган. Шоир ижодида Хумо, Анқо, Симурғ, Самандар, Қакнус кабилар орнитомифопоэтоним сифатида диққатни тортади. Алишер Навоий ҳақиқий ошиқ ва ишқ масаласини бадий тасвирлашда кўпинча Самандар образидан фойдаланган.

Шоир ижодида **зоопоэтонимларга**, яъни ҳайвонлар образига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Лекин шулар орасида шоир лирикасида энг кўп қўлланилган образлардан бири итдир. Ўзбек фольклорига ит тимсоли кўпинча вафодор ва содиқ ҳамроҳ, йўлдош, ҳомий-кўмакчи поэтик

⁴³ Қаюмов О. Ўзбек фольклорига пари образи: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 1999. – Б.10.

вазифаларида талқин қилинган бўлса, Алишер Навоий ижодида итнинг овози, териси ёки унга тегишли нарсалар магик даво воситаси сифатида талқин этилган. Нопок, очкўз, ғаламис кимсалар ит образида фош қилинган. Қадимда кекса кишиларни тириклай махсус боқилган итларга ем қилиш орқали уларни ўликлар дунёсига кузатиш удумига ишора қилинган. Ўзлигини йўқотган, босар-тусарини билмай қолган кимсалар қутурган, яъни қутуз ва телба, ҳатто эгасини ҳам қопадиган итга ўхшатиш. Кўпинча ит тимсолида вафодорлик улуғланган, лекин ит орқали рақиб, душман образи ҳам ифода этилган. Ўтмишда ов жараёнида қуш, ит, тулки кабилардан фойдаланилгани, итлар қатли, ҳатто улар дайди ит бўлса-да, фақат шоҳлар фармонида мувофиқ амалга оширилгани, жониворлар ичида фақат ит уйқуга кетишидан олдин бошини қўллари устига қўйиб ухлаб, бошини ҳамиша асраши баён этилган. Шоир ит образини ҳамма вақт кўчма маънода эмас, ўз маъносида ҳам қўллаган.

Навоий ижодида Наврўз, бозор тушунчалари асосида тасаввуфий ғояларнинг образли ифодасини кузатиш мумкин. Навоий талқинида наврўз нафақат табиатнинг уйғониш, янгиланиш, покланиш фасли бўлмиш баҳорнинг бошланиш босқичи, балки илоҳий ишқ, Оллоҳ қудрати ва мўъзижаларини талқин қилиш рамзи ҳамдир. Шунингдек, шоир ижодида «бозор» образининг реал тасвири қаторида бадий-тасаввуфий маъноларда⁴⁴ қўлланганини ҳам кузатиш мумкин. Алишер Навоий кўпинча умрни, дунёни, ишқни бозор тимсолида талқин этган. Бозор сўзи Алишер Навоий шеърлятида бошқа мумтоз шоирлар каби кўпинча кўчма маънода тақдир, қисмат маъноларида қўллангани кузатилади. Бунда у агоропозитоним сифатида намоён бўлади. Бозор сўзи ишқ, вафо, фано, даҳр, умр, ҳусн ва ҳоказо сингари сўзлар билан бирикиб келганда (*ишқ бозори, вафо бозори, фано бозори, даҳр бозори, умр бозори, ҳусн бозори* каби) кўчма маънода бирор ҳаракат ёки фаолиятнинг ҳаддан ошишини, авжига чиқишини англатади. Бу эса «бозор» поэтик образ даражасига кўтарилганда⁴⁵ инсон фалсафий-бадий дунёқарашининг қамрови нечоғлик кенглигини англашда муҳим аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

1. Ўзбек фольклорини ўрганиш, ундан ижодий фойдаланиш, қолаверса, фольклорнинг кейинги тараққиётига ижодий таъсир кўрсатишда Алишер Навоий ижодий фаолияти беқиёс мавқега эга. Фольклор жанр, сюжет, мотив ва образларидан фойдаланиш улуғ мутафаккир шоир асарларининг жаҳоний аҳамиятини белгиловчи қирралардан биридир. У бу соҳада ўзигагина бўлган

⁴⁴ Адизова И. Увайсий шеърлятида поэтик тафаккурнинг янгиланиши: Филология фанлари д-ри... (DSc) диссертацияси автореферати. – Т., 2020. – Б.19.

⁴⁵ Турдимов Ш. Қизиқли бозор // Халқ кўшиқларида рамз. – Т.: Фан, 2020. – Б.50-55.

Ўзбек мумтоз адабиётидаги барча поэтик тажрибаларни тўла ўзлаштириб, кенг қамровли янги ижодий босқични бошлаб берди. Шоир ижоди бадиий такомилга фольклорнинг таъсирини ўрганиш ўзбек мумтоз адабиётнинг жанрлар тизими ва таркибини, унда юз берган поэтик ўзгаришлар, янгиланишлар, шаклий-услубий изланишларни аниқлашга ёрдам беради.

2. Ёзма адабиёт билан фольклор ўртасидаги ижодий алоқалар ўзига хос бадиий анъана бўлиб, муайян эстетик қонуниятлар доирасида кечадиган жараёндр. Бунинг натижасида халқ оғзаки бадиий ижодиётида юзага келган кўплаб жанр, сюжет, мотив, образ, мавзу, бадиий деталлар ёзма адабиётга ҳам кўчиб, ижодкор бадиий нияти, поэтик иқтидорига боғлиқ ҳолда талқин топиши туфайли «фольклоризм» ва унинг аналитик, синтезлашган, стилизация, этнографик типлари пайдо бўлди. Фольклорнинг ёзма адабиётга кўрсатган ижодий таъсири, адибларнинг оғзаки ижод анъаналаридан фойдаланиш маҳоратининг ёритилиши адабиётимиз тараққиёти билан боғлиқ ижодий жараёнларга дахлдор ғоят муҳим назарий масалаларни кенг кўламда таҳлил қилишга асос бўлади.

3. Истиқлол бахш этган ижодий эркинлик Алишер Навоий бадиий ёдгорликларига миллий маънавий мерос, улуғ қадрият сифатида тарихий ҳаққонийлик, янгича илмий тафаккур билан холис ёндашув имконини берди. Шунинг эвазига шоир ижодининг фольклор билан боғлиқ жиҳатлари баҳси унинг мифология ва халқ поэтик анъаналарига муносабати, фалсафий, илохий-ирфоний мазмундаги агиографик афсона ва ривоятларни ўз асарларида бадиий синтезлаштиргани, халқ тарихи, санъати, этнографияси тасвири асосида этнографик, оғзаки бадиий ижоднинг анъанавий жанрлари, мотив ва образлари замирида стилизация фольклоризмларни вужудга келтиргани, халқ тили имкониятларидан фойдаланиш маҳорати, халқ педагогикасига ёндашуви, халқ ижодиётига таъсири, уларни ёшларга ўргатиш аҳамияти каби илмий йўналишларда давом эттирилмоқда. Бунга, албатта, мустақиллик даврида Навоий ижоди бошқа фанлар кесимида ҳам ўрганилаётгани сабаб бўлмоқда.

4. Алишер Навоий ва фольклор баҳси бўйича навоийшунослик тараққиёти XIX асрнинг охири ва XX аср бошлари, XX асрнинг 30-йиллари охири, XX асрнинг 40-йиллари, XX асрнинг 50–60 йиллари, XX асрнинг 70–80 йиллари, XX асрнинг 90-йиллари ва истиқлол даврида турли даражада кечди. Бу тараққиёт босқичлари орқали Алишер Навоий ва фольклор илмий баҳсининг тарихи ҳақида яхлит тасаввур ҳосил бўлади. Унинг назарий тараққиёт асослари йилдан-йилга мустаҳкамланиб борганлиги англашилади.

5. Оғзаки бадиий ижод сўз санъатининг ўзига хос бетакрор, қадимий кўриниши сифатида ёзма адабиётнинг пайдо бўлиши, такомил топишида мустаҳкам замин бўлганлиги Алишер Навоий ижоди мисолида ҳам яққол исботини топади. Шоир ижодида фольклор жанр, мотив ва образларининг

стилизиция қилиниши ўзбек мумтоз адабиётида турли ўзига хос поэтик шаклий-услубий янгиланишлар юзага келишига таъсир кўрсатган.

6. Алишер Навоий ўз замонасидаги халқ ижодиётига хос тушунчаларни жуда яхши билган. Ўз асарларида дoston (улуғ ир), афсона (фасона), қисса, латифа (базла), ривоят, мазах, масал (мақол), лоф, эртак (чўрчак ёки чўпчак), нақл, терма (ўзмоғ), қўшуғ, чинга, ўланг, қўғирчоқ ўйини турини англатувчи «фонус хаёл» каби фольклор жанри атамаларини қўллаган ҳамда йиров (жиров), дostonсаро (бахши), ётуғон (дўмбира), латифагўй (базлагўй), қўшиқчи (навогў), наҳвагар, гўянда (йиғичи), ўзон (қўбиз жўрлигида халқ дostonларини куйлайдиган ижрочи), ровий (ривоят айтувчи), ноқил (нақл айтувчи), афсонапардоз (афсона айтувчи), қиссасоз ёки қиссахон (қисса айтувчи), ҳаззоллар (қизиқчи, ҳазилкаш) ҳақида маълумотлар берган. Булар Алишер Навоийнинг ўзбек фольклори бўйича катта билим эгаси эканини далиллаши билан бирга, Навоий даврида ўзбек фольклорининг ўзига хос мустақил жанрлар тизими шаклланигани, унинг жанрий таркиби, номланиши, ижро хусусиятлари, ижросининг профессионаллашув даражаси, халқ ижодкор ва ижрочилари ҳақида ҳам маълумот етказди.

7. Ўзбек фольклори Алишер Навоий ижодиёти ғоявий-бадий такомилида, халқчиллигини таъминлашда асосий манбалардан биридир. Шоир фольклорнинг миф, афсона, ривоят, эртак, нақл, дoston, латифа сингари эпик, топишмоқ, мақол, матал каби паремик, халқ драмаси жанрлари, лирик ва маросим қўшиқлари, анъанавий мифологик ҳамда диний-афсонавий мотив ва образлари услубига монанд стилизацион фольклоризмларни яратган. Шоир ижодидаги фольклоризмлар стилизацион, аналитик, синтезлашган, этнографик каби бадий типларга эга бўлиб, ҳар бири бадий матнда миллий колоритни ифодалашда муайян поэтик моҳият касб этиб, эстетик ва услубий вазифа бажариб келади.

8. Буюк сўз устаси Алишер Навоий ижодиётининг ғоявий, бадий-композицион жиҳатдан такомил топишида фольклор жанрлари шакли ва ифода услуби, анъанавий эпик мотив ва образлари асос вазифасини бажарган. Бу унинг тарихий асар ва дostonларида афсона, ривоят, нақллар синтези алоҳида ўрин тутишида, насрий асарларида сажъдан унумли фойдаланганида, халқ урф-одатларини алоҳида мотивлаштирганида ҳам намоён бўлади. Улуғ шоир халқ орасида шаклланиган урф-одатлардан ўз даврида яшаётганларини ташбеҳ сифатида танлаб, улар орқали бетакрор тасвирлар яратганки, шу билан давр ҳаётини реал чизгиларда беришга ҳам эришган. Бу жиҳатига кўра, Навоий асарлари тадқиқоти ўзбек халқ оғзаки ижодининг айрим унутилган саҳифаларини очишга ёрдам бера олади.

9. Улуғ шоир халқ лирик ва маросим қўшиқлари, йиғи-йўқловларга илмий ҳамда бадий муносабат кўрсатган. Уларнинг назарий табиати хусусида фикрларини баён этган. Халқ йиғи-йўқлов қўшиқлари стилизациyasi

асосида ғазал-марсия, таркиббанд-марсия, таърих-марсия, навҳалар яратган. Никоҳ тўйига алоқадор ёр-ёр (чинга), ўлан (ўланг) жанр намуналарини асарларида аналитик фольклоризм сифатида қўллаган. Навоий фольклордаги паремик турга мансуб мақол жанри асосида афоризм (ҳикмат) ва танбехлар, топишмоқ жанрини стилизация қилиб, луғз (чистон), муаммо, таърих яратган.

10. Алишер Навоий ижодида сўз сеҳрига ишончни ифодаловчи кичик ҳажмли олқиш ва қарғиш жанрлари стилизацияси оддий фольклоризмлар сифатида намоён бўлади. Айниқса, шоир ижодида олқиш стилизация қилинган сатрлар кўп учрайди. Унинг айрим ғазал байтлари бевосита олқиш шакли ва мазмунида яратилгани билан эътиборни тортади. Яна шоир ижодида рубоий-олқиш, таърих-олқиш кўринишидаги шеърлар мавжуд. Муножотларида ҳам эзгу тилагини Оллоҳга етказиш, Яратгандан яхши ниятлари ижобатини тилаш ўринларида олқишга ҳамоҳанглик ҳоллари кузатилади. Ижодкор олқиш, қарғиш, сўкинч қабилардан аналитик фольклоризмлар сифатида ҳам кенг фойдаланган.

11. Алишер Навоийнинг фольклордаги дostonлар услуби ва мотивлар қурилиши, мотам маросими кўшиқлари, топишмоқлар, олқишлар шакли ва мазмуни асосидаги услубий изланишлари асосида яратган дoston, марсия, марсия-ғазал, марсия-таркиббанд, луғз (чистон), муаммо, муножот, рубоий-олқиш, таърих-олқиш каби жанрлари ўзбек мумтоз адабиётининг жанрлар таркибини бойита олди.

12. Алишер Навоий ўзбек фольклорига хос мифологик жанг, телбалик, фарзандсизлик, туш, сеҳрли рақамларга алоқадор анъанавий мотивлар, аждар, дев, пари, Семурғ каби мифологик, фаришта, шайтон, жин, Хизр сингари диний-афсонавий, Наврўз, деҳқон, арус (келин), лўли, бозор, ит, сеҳрли кўзгу каби бир қатор анъанавий образлардан тасаввуфий, илоҳий-ирфоний қарашларини бадиий ифода этган. Уларни ўз даври воқеаларига боғлаб талқин қилган.

13. Алишер Навоий ижодида фольклор жанр, мотив ва образлари стилизацияси ўзига хос ижодий жараён сифатида кейинги давр ижодкорлари бадиий тафаккурининг янгилиниши ва ижод мезонларининг такомиллашишига замин яратгани билан аҳамият касб этади. Улар орқали ўзбек адабиётшунослигида оғзаки ва ёзма ижод жанрлари ўртасидаги фарқ, динамик ва эволюцион хусусиятлар, бирининг иккинчисига таъсири, кўчув ва синтезлашувида хос интрапоэтик ҳамда экстрапоэтик омиллар аниқланади.

14. Бир сўз билан айтганда, Алишер Навоий ижодининг шаклланиши ва ривожланишида илоҳий-ирфоний манбалар қаторида фольклор ҳам асосий таянч манба вазифасини бажара олди. Шоирнинг бадиий ижодда фольклор тажрибасига суяниши, унинг материалларини ижодий ўзлаштириш негизида

қайта ишлаши (синтез ва стилизация қилиши) натижасида асарлари халқчиллиги, бадиий таъсирчанлиги оширилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
НАУЧНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
БУХАРСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

РАЖАБОВА МАЪРИФАТ БАКОЕВНА

**СТИЛИЗАЦИЯ ФОЛЬКЛОРНЫХ ЖАНРОВ, ОБРАЗОВ И
МОТИВОВ В ТВОРЧЕСТВЕ АЛИШЕРА НАВАИ**

10.00.02 – Узбекская литература

АВТОРЕФЕРАТ

ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК (DSc)

Бухора – 2021

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована под номером B2020.2.DSc/Fil220 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Бухарского государственного университета (www.buxdu.uz) и на Информационном образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net)

Научный консультант: **Ураева Дармон Саидахмедовна**
доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Каюмов Олим Садиридинович**
доктор филологических наук, доцент

Дилором Салохий
доктор филологических наук, профессор

Юсупова Дилнавоз Рахмоновна
доктор филологических наук, доцент

Ведущая организация: Каршинский Государственный университет

Защита диссертации состоится «_____» 2021 года в «____» часов на собрании Научного совета DSc.03/04.06.2021.Fil.72.09 по присуждению научных степеней при Бухарском государственном университете, (Адрес: 200118, город Бухара, Ул. Мухаммад Икбол, 11. Тел: 99865 221-29-14; факс: +99865 221-27-57; e-mail: buxdu_rektor@buxdu.uz)

С Диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского государственного университета (зарегистрирована под номером _____). (Адрес: 200118, город Бухара, ул.Мухаммад Икбол, 11. Тел: +99865 221-29-14)

Автореферат диссертации разослан «____» _____ 2021 года
(Протокол реестра №____ от «____» _____ 2021 года).

Д. З. Ражабов
Заместитель председателя Научного совета по
присуждению научных степеней,
доктор филологическим наукам (DSc), доцент.

Г. И. Тоирова
Секретарь Научного совета по
присуждению научных степеней, доктор философии
по филологическим наукам (PhD), доцент.

Г. Н. Муродов
Председатель научного семинара при Научном совете
по присуждению учёных степеней, д.ф.н, проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктор философии (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Во все времена в письменной литературе народов мира осуществление различных формально-методических обновлений путем переосмысления фольклорных жанров, мотивов и образов, их стилизации в соответствии с идеологией и реалиями определенной эпохи сохранялась как поэтическая традиция. Если этот эстетический процесс изучается на основе мастерства конкретного классического или современного автора, то определение литературных жанров, мотивов и образов, заимствованных из фольклора в литературе того времени, в котором он жил, важное значение имеет доказательства того, что устное народное творчество и письменная литература достигли художественного совершенства благодаря их постоянному взаимодействию.

В мировом литературоведении изучение типов, художественно-эстетических особенностей, поэтических функций фольклоризмов, обусловленных взаимодействием фольклора и письменной литературы, стало одной из приоритетных задач. При этом еще более усиливается внимание к раскрытию содержания и сущности фольклоризмов авторов, занимающих особое место в развитии духовной жизни, литературно-эстетической мысли народов мира, национального и общечеловеческого размаха, поэтических аспектов выражаемых ими благородных идей. На этой основе выявление социально-исторических, социально-духовных основ, эстетических закономерностей стилизации фольклорных жанров, мотивов и образов в творчестве великого поэта-мыслителя Алишера Навои является необходимым с точки зрения выявления особенностей развития поэтики узбекской классической литературы, ее художественных источников.

После обретения нами независимости особое внимание было уделено широкому использованию фольклора, занимающего важное место в национальном духовном наследии, в воспитании подрастающего поколения. «Несомненно то, что это бесценное богатство послужит источником мудрости и знаний для новых и будущих поколений, а главное, прочной основой для новых открытий»⁴⁶, поэтому изучение творческого использования фольклора выдающимися авторами как своеобразной художественной традиции составляет одну из актуальных проблем нашего литературоведения. Одной из таких важных задач является изучение поэтического мастерства Алишера Навои в творческом использовании народных жанров, мотивов и образов на основе нового мышления с точки зрения его религиозно-убежденных взглядов. И это позволяет обосновать место фольклора в многовековом творчестве поэта как важного фактора

⁴⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузурида Ўзбекистондаги Ислом маданияти марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги ПҚ-3080-сон қарори.

духовного и духовного совершенствования человечества.

Данное диссертационное исследование в определенной степени окажет практическое содействие выполнению задач, отраженных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка от 21 октября 2019 года, № УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, Постановлении Президента Республики Узбекистан №ПП-1292 «Об организации фонда «Ижод» при Союзе писателей Узбекистана» от 26 февраля 2010 года, №ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, № ПП-3271 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 13 сентября 2017 года, а также Постановлении №222 Кабинета Министров Республики Узбекистан «Об утверждении государственной программы по охране объектов нематериального культурного наследия, сохранению, пропаганде и их использованию в 2010-2020 годы» от 7 октября 2010 года и в других нормативно-правовых документах имеющих отношение к данной сфере деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления программы развития науки и технологий республики I. «Формирование и реализация системы инновационных идей в социально-правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информатизированного общества и демократического государства».

Комментарий к международным научным исследованиям по теме диссертации⁴⁷. Научные исследования по стилизации фольклорных жанров, изучению стилизационных фольклоризмов ведутся в таких ведущих мировых центрах и высших учебных заведениях как University of Oxford (Великобритания), Grasefield University, Universitat Trier (Германия), University of Verona (Италия), Indiana University, University of California (США), University of Santiago (Чили), La Sierra University (Бразилия), The University of Sydney (Австралия), Finish Akademy of Science (Финляндия), Universitas Tartuensis (Эстония), Czech Academy of Sciences (Чехия), European Phraseological Societu, Московский государственный

⁴⁷ Диссертация мавзуси буйича хорижий илмий тадқиқотлар <https://www.disercat.com>, <https://www.sgu.ru>, <http://dspace.kpfu.ru/xmlui/handle/net/>, http://m.dissforall.com/_catalog/t13/_s, www.prlib.ru/item/, <https://ru.m.wikipedia.org/wiki/>, www.dslib.net, <https://core.ac.uk>, <http://dereksiz.org/leksiko-semanva> бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

университет, Санкт-Петербургский государственный университет, Московский государственный лингвистический университет, Московский институт лингвистики (Россия).

Достигнуты следующие научные результаты по изучению тех или иных аспектов использования жанров, мотивов и образов в мировом литературоведении: раскрыта природа, основы возникновения и типы фольклоризмов (Оксфордский университет, Великобритания; Финская Академия наук); освещены художественно – эстетические задачи (Санкт-Петербургский институт восточных рукописей, Воронежский университет, Россия); осуществлен анализ национальных особенностей в фольклоризмах (Англия, Америка, Германия; Московский государственный университет, Санкт-Петербургский государственный университет, Россия; Кыргызский государственный университет; исследованы лингвопрагматические аспекты фольклорных жанров (сказок, анекдотов, пословиц) и отдельных мотивов (Институт филологии, журналистики и межкультурного общения, Белгородский государственный национальный исследовательский университет, Международный литературный институт имени Горького при РАН, Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова, Институт научных данных по общественным наукам РАН, Россия); изложены взгляды на когнитивные особенности сказок и пословиц (Казанский государственный университет, Белгородский государственный национальный исследовательский университет, Московский государственный университет имени М.В.Ломоносова Россия); выполнены исследовательские работы, посвященные лингвокультурологическим аспектам сказок, дастанов, анекдотов, пословиц, некоторых образов и мотивов (Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора при АН РУз, Узбекистан).

В зарубежной литературе исследования по изучению особенностей фольклорных жанров, мотивов и образов, в частности мифологических мотивов и образов проводятся по следующим основным направлениям: их генезис, внутренняя классификация, поэтическая природа, выявление их места в развитии художественно-эстетического мышления; исследования в этнофольклористическом, этнолингвистическом, лингвокультурологическом, прагматическом аспектах; сравнительно-типологическое изучение образцов фольклора в разных структурных языках; решение проблем перевода, раскрытие закономерностей стилизации в письменной литературе; определение методов использования в системе образования в дидактических и методических целях.

Степень изученности проблемы. В мировом литературоведении и фольклористике вопрос о фольклоре конкретного автора рассматривается как

один из наиболее актуальных вопросов. В русском литературоведении и фольклористике также было проведено много исследований относительно влияния фольклора на письменную литературу.⁴⁸ В узбекском литературоведении изучение взаимосвязи, взаимодействия фольклора и письменной литературы на примере творчества великого узбекского поэта-мыслителя Алишера Навои издавна развивается как отдельное направление.

Исследования таких ученых, как А.Фитрат, А.Саъдий, О.Шарафиддинов, М.Шайхзода, М.Афзалов, Н.Маллаев служат научно-методологической основой для других исследований. В частности, в 70-х годах прошлого века известный узбекский ученый Натан Маллаев специально исследовал фольклорную основу творчества поэта, грани связанные с фольклором, мастерство поэта по внедрению традиций устной литературы в письменную. Об этом были опубликованы его брошюры и монографии «Народная основа творчества Навои», «Признание и поклонение веков», «Наваи и устное народное творчество» (на узбекском и русском языках), «Великий узбекский поэт» (на узбекском, каракалпакском и русском языках).⁴⁹ В этих исследованиях основное внимание уделяется мастерству поэта стилизовать такие жанры, как искусство народного зрелища, миф, легенда, сказка, анекдот, а также некоторые мифологические образы.

Также благодаря отношению к данной теме достойны внимание исследования Н.Ганихужаевой, С.Иномхужаева, М.Собирова, Х.Расулова, М.Мухитдинова.⁵⁰ М.Нарзикулова специально исследовала «Фольклоризмы и интерпретацию сюжета Бахрама в узбекском фольклоре из третьего дастана «Сабаи Сайёр» произведения «Хамса» Алишера Навои.⁵¹

В данном исследовании предусмотрено определение стилизационных,

⁴⁸ Землянова Л.М. О роли фольклора в литературной деятельности П.И.Якушкина // Русский фольклор. 19 том. – М.-Л., 1958. – С.184-202; Далгат У.Б. Фольклор в творчестве Янки Купалы. – М., 1968; Левинтон Г. Заметки о фольклоризме Блока / Миф – Фольклор – Литература. – Л.: Наука, 1978. – С.171-186; Позднякова Е.Г. Фольклоризм прозы Н.М.Карамзина: Автореф. дис. канд. филол. наук. – Челябинск, 2003; Бессонова Л.П. Фольклорные традиции в творчестве А.Т.Твардовского (на примере поэмы «Страна Муравия») // Филологический вестник. – Майкоп: АГУ, 2004. № 6. – С. 108-115; Savas Yelok. Erkin Vahidov'un Şiirleri Uzerine Dil ve Uslup Çalışması. – Ankara: Bengu yayinlari, 2017. – 712 s.

⁴⁹ Маллаев Н.М. Навоий ижодиётининг халкчил негизи. Мактаб ўқитувчилари ва олий ўқув юртлари филология факультетлари студентларига қўлланма. – Т.: Ўқитувчи, 1973. – 114 б.; Маллаев Н. Асрлар эътирофи ва таъзими. – Т.: Фан, 1978. – 64 б.; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 432 б.

⁵⁰ Ганиходжаева Н. Алишер Навои – новеллист (По материалам «Хамсы»): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т.: 1967; Инамходжаев С. Алишер Навои и исполнительское искусство художественного слова: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Баку, 1970; Сабиров М. К вопросу использования Алишером Навои фольклора (По материалам «Хамса»): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Самарканд, 1971; Расулев Х. Пути развития эпического жанра – дастана и проблема народности в узбекской литературе: Автореф. дисс... д-ри... филол. наук. – Т.: 1972; Мухитдинов М. Произведения цикла «Бахром и Дилором» и «Бахром и Гуландом» в узбекской литературе (Эволюция сюжета Бахром Гура): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Т.: 1972.

⁵¹ Нарзикулова М. Сабъаи Сайёр достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклоризмидаги Бахром сюжетининг талқини: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2006.

аналитических, синтетических, этнографических фольклоризмов великого поэта, народных песен, созданных на основе таких жанров как «ёр-ёр» (чинга), «улан», «плачи», «йукловлар», «нақл», «дастан», «олқиш», «қарғиш», пословица, загадка («лугз », «муаммо»), исследованы такие вопросы, как стилизационные, аналитические, синтезированные, этнографические фольклоризмы, созданные на основе народных верований и обычаев, мастерство стилизации мотивов и образов, их содержание, художественно-эстетические функции.

Соответствие диссертационного исследования плану научно-исследовательских работ высшего учебного заведения. Диссертация выполнена в рамках научно-исследовательского направления «Актуальные проблемы филологических наук» в соответствии с планом научно-исследовательских работ Бухарского государственного университета рассчитанного на 2017-2021 годы.

Целью исследования является исследование мастерства Алишера Наваи в художественном выражении своих социальных, тасаввуфских взглядов посредством стилизации традиционных жанров, мотивов, образов фольклора, факторов формационно-методических преобразований, типов фольклоризма.

В качестве задач исследования определено следующее: доказательство того, что фольклор является одним из основных источников идейно-художественного совершенства творчества великого узбекского мыслителя Алишера Наваи, обеспечения его народности;

